

Қасос ва Жиноятлар китоби

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]

1. Одам ўлдириш ва унинг турларига доир аҳкомлар ҳақида
2. Қасосга доир аҳкомлар ҳақидаги боб
3. Тана аъзоларидаги қасос ҳақидаги боб
4. Бир киши учун кўпчиликдан қасос олиш ҳақидаги боб
5. Дияга доир аҳкомлар ҳақидаги боб
6. Дияларнинг миқдори ҳақидаги боб
7. Тана аъзолари ва уларнинг фойдалари дияси ҳақида
8. Шижож (бош ва юзнинг ёрилиши) ҳамда суякларнинг синдирилишига доир аҳкомлар ҳақидаги боб
9. Одам ўлдиришнинг каффорати ҳақидаги боб
10. Қасам ичишга доир аҳкомлар ҳақидаги боб

Таржимон: Ислон нури веб саифаси

www.Islamnuri.com

2013 - 1434

MyIslamicBooks.tk

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Одам ўлдириш ва унинг турларига доир аҳкомлар ҳақидаги боб

- Фуқаҳолар – раҳимаҳумуллоҳ – жинойтга берган таърифларига кўра, у бадан, мол ё обрў-номусга тажовуз қилишдир.

Фуқаҳолар бунинг биринчи турига – баданга бўлган тажовузга – жинойтлар китоби деб, иккинчи ва учинчи турига – мол ва обрў-номусга бўлган тажовузга – ҳадлар (жазолар) китоби деб номланган китоблар тузишган.

Баданга бўлган тажовуз қасосни ёки молни (яъни, тўловни) ёки каффоратни вожиб қилади.

- Мусулмонлар ноҳақ одам ўлдириш ҳаромлигига ижмоъ қилганлар. Бунинг далили Қуръон ва Суннатда мавжуддир:
- Аллоҳ таоло айтади: «Аллоҳ (ўлдиришни) ҳаром қилган жонларни ўлдирмангиз, магар ҳақ билан (яъни қасос олиш учун ё муртад бўлгани, ёки зино қилгани учун шариат ҳукми билан ўлдиришингиз мумкин)» (Анъом: 151).
- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Аллоҳдан ўзга барҳақ маъбуд йўқлигига ва мени Аллоҳнинг Расули эканимга гувоҳлик берадиган мусулмон кишининг қони(ни тўкиш) фақат қуйидаги уч ҳолатдагина ҳалол бўлади: жуфти-ҳалоли бор

бўлган зинокор, жонга-жон сифатида (яъни қасддан бировни ўлдирган киши) ва (муртадлиқ сабабли) жамоатни тарқ қилиб (Ислом) динидан чиққан кимса» (Бухорий (6878) ва Муслим (1676) Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар). Бу маънода бошқа ҳадислар ҳам бор.

Кимда-ким бир мусулмонни тажовуз билан ўлдирса, Аллоҳ таоло унга қуйидагича азоб хабарини берган: «Ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннам бўлиб, ўша жойда абадий қолажак. Ва у Аллоҳнинг ғазаби ва лаънатига дучор бўлган, Аллоҳ унинг учун улуғ азобни тайёрлаб қўйгандир» (Нисо: 93).

- Унинг ҳукми – гуноҳи кабира қилгани учун фосиқ саналади. Унинг иши Аллоҳ таолога ҳаволадир, У истаса азоблайди, истаса кечиради. Аллоҳ таоло айтади: «Албатта Аллоҳ Ўзига (бирон нарсанинг) шерик қилинишини кечирмас. Шундан бошқа гуноҳларни Ўзи хоҳлаган бандалари учун кечирур» (Нисо: 48). Бу одам ҳам Аллоҳнинг хоҳиш-истаги остида бўлади, чунки ширкдан паст бўлган гуноҳни содир қилди.

Бу тавба қилмаган одам ҳақидадир. Аммо, агар тавба қилса, тавбаси мақбул бўлади. Аллоҳ таоло айтади: «(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), Менинг ўз жонларига жиноят қилган бандаларимга айтинг: Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмангиз! Албатта Аллоҳ (Ўзи хоҳлаган бандаларининг) барча гуноҳларини мағфират

килур. Албатта Унинг Ўзигина мағфиратли, меҳрибондир» (Зумар: 53).

Лекин, тавба қилиши билан охиратда мақтулнинг (яъни, ўлдирилган кишининг) ҳаққи ундан соқит бўлмайди. Балки, мақтул кўрган зулмига яраша қотилнинг ажру савобларидан олади ёки унга Аллоҳ таоло Ўз ҳузуридан ато этади. Қасос билан ҳам мақтулнинг ҳаққи соқит бўлмайди. Чунки, қасос мақтулнинг валийларининг ҳаққидир.

Аллома Ибнул Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Масаланинг таҳқиқи шуки, одам ўлдиришга учта ҳақ-ҳуқуқ тааллуқ топади: Аллоҳнинг ҳаққи, мақтулнинг ҳаққи ва валийнинг ҳаққи. Қотил агар қилган ишига пушаймон бўлиб ва Аллоҳдан кўрқиб, холис тавба қилиб, ихтиёрий равишда ўзини валий қўлига топширса, унинг тавбаси билан Аллоҳнинг ҳаққи соқит бўлади, ҳақларини тўла олиш ё сулҳ ё афв қилиш орқали валийларнинг ҳаққи ҳам соқит бўлади ва мақтулнинг ҳаққи қолади. Аллоҳ таоло қиёмат куни тавба қилган муҳсин бандасидан эваз қилиб Ўзи унга ато этади ва ўрталарини ислоҳ қилиб кўяди» (Ал-жавабул-кафий: 286-б).

- Аксарият аҳли илмлар наздида қатл уч қисмга бўлинади. Улар: қасддан ўлдириш, қасдданга ўхшаш (шибҳул-амд) ўлдириш, қасдсиз (билмасдан) ўлдириб қўйишдир.
- Қасддан ва билмасдан одам ўлдириш турлари ҳақида Қуръонда келган. Аллоҳ таоло айтади: «Мўмин мўминни фақат билмаган ҳолдагина ўлдириб қўйиши

мумкин. Ким бир мўминни билмай ўлдириб қўйса, у бир мўмин қулни озод қилиши ва маййитнинг эгаларига — агар кечиб юбормасалар — хун тўлаши вожибдир. Агар маййит ўзи мўмин бўлиб, сизларга душман қавмдан бўлса, фақат бир мўмин қулни озод қилиши вожиб. Агар у сизлар билан сулҳ тузган қавмдан бўлса, унинг эгаларига хун тўлаш ва бир мўмин қулни озод қилиш лозим. Бас, ким (озод қилиш учун бир қул) топишга қодир бўлмаса, Аллоҳга тавба қилиб муттасил икки ой рўза тутмоғи лозим. Аллоҳ билим ва ҳикмат эгаси бўлган зотдир. Ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннам бўлиб, ўша жойда абадий қолажак. Ва у Аллоҳнинг ғазаби ва лаънатига дучор бўлган, Аллоҳ унинг учун улуғ азобни тайёрлаб қўйгандир» (Нисо: 92, 93).

- Қасдданга ўхшаган ўлдириш ҳақида суннати мутоҳҳарада келган. Амр ибн Шуайб отасидан, у бобосидан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қасдданга ўхшаш (ўлдириш)нинг дияси (яъни, хун пули) худди қасддан (ўлдириш)нинг диясидек оғирлаштирилган. Унинг (яъни, қатлнинг) соҳиби (яъни, қотил) ўлдирилмайди. Бу (яъни, қасдданга ўхшаш ўлдириш) шайтон одамлар орасида изғиб юриши ва (унинг ҳаракати сабабли) сабаби номаълум ҳолда, адоватсиз ва қурол кўтаришсиз қон (тўкилиши содир) бўлишидир», деганлар (Аҳмад (2/183, №6718) ва Абу Довуд (4565) ривоят қилганлар).

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Огоҳ бўлинглар, қасдданга ўхшаш билмасдан ўлдириб қўйиш қамчи ва асо билан (уриб) ўлдириб қўйишдир, унда юз туя (дия) бордир, ундан қирқтаси қорнида боласи бор (хомиладор) туялардир», деганлар (Абу Довуд (4547), Насоий (4795), Ибн Можа (2627), Аҳмад (2/164, №6533) ривоятлари).

- Қасддан ўлдириш – бировнинг маъсум одамий эканини билган ҳолда қасд қилиш ва у билан ўлим содир бўлиши гумонда ғолиб бўлган нарса билан уни ўлдиришдир.

Ушбу таърифдан маълум бўладики, одам ўлдириш қачон қуйидаги шартлар топилсагина қасддан бўлган бўлади:

Биринчи шарт: Қотилда қасд, яъни ўлдириш истаги бўлиши.

Иккинчи шарт: Қотил ўзи ўлдиришга қасд қилган шахснинг қони маъсум (яъни тўқилиши мумкин бўлмаган) одамий эканини билиши.

Учинчи шарт: У билан қатл содир этган қурол одатда ўлдиришга яроқли бўлган нарса бўлиши, ўткир бўладими, ўтмас (тиғсиз) бўладими, фарқсиз.

Агар мана шу шартлардан бирортаси топилмаса, қатл қасддан содир этилган саналмайди. Чунки, қасднинг бўлмаслиги қасосни вожиб қилмайди ва одатда у билан ўлим содир бўлмайдиган нарса билан қатл ҳосил бўлиши ўлимга ундан бошқа нарса сабаб бўлганига иттифоқ бўлади.

- Қасддан ўлдиришнинг кузатувлар орқали маълум бўлган тўққизта сурати мавжуд:

1. Танани тешиб ўтиш имкони бўлган пичоқ, санчқи (вилка) каби учи ўткир нарса билан жароҳатлаш. Ал-Муваффақ раҳимаҳуллоҳ айтади: «Бизнинг билишимизча, уламолар ўртасида бунда хилоф йўқдир» (Ал-муғний: 8/208).

2. Тош ва шу каби оғир ва катта нарса билан уриб ўлдириши. Агар тош кичкина бўлса, қасддан ўлдирган бўлмайди. Магар ўладиган жойига бўлса, ёки ўлдирилган шахс беморлик, норасидалик, кексалик, жазирама иссиқ ё каттиқ совуқ туфайли қувватсизлик ҳолатида бўлса, ёки кичкина тош ва шу каби нарса билан то ўлгунича қайта-қайта урса, қасддан ўлдириш саналади. Оғир нарса билан ўлдиришга мисол – устига деворни ағдариб юбориш, автоулов билан босиб ўтиш ё баландлик жойдан ташлаб юбориш кабилардир.

3. Шер ё шу каби йиртқич ҳайвонга ёки илон ёнига ташлаш Чунки, бундай ваҳшийлар олдига ташлашни қасд қилиш билан одатда қатлни қасд қилган бўлади.

4. Оловга ёки ғарқ қилувчи сувга ташлаш ва улардан қутулиб чиқишига имкон бермаслик.

5. Арқон ва шу каби нарса билан бўғиш ёки оғзи ва бурнини тўсиш ва шунинг оқибатида ўлим содир бўлиши.

6. Қамаб қўйиб, емак-ичмакдан маҳрум қилиш ва шу ҳолда одатда ўлим ҳосил бўладиган муддат қолдириш, оқибатда ўлим содир бўлиши.

7. Аксарият ҳолларда ўлимга сабаб бўладиган сеҳр билан

ўлдириш, сеҳргар бунинг кўп ҳолларда ўлдиришини билган бўлиши.

8. Ўзига билдирмай захар ичириш ё овқатига захар кўшиб кўйиш ва шунинг оқибатида ўлим содир бўлиши.

9. Гувоҳлар бир одамга унинг қатлини вожиб қиладиган зинокорлик, муртадлик, қотиллик каби жиноятига гувоҳлик беришлари, у одам қатл қилинганидан сўнг гувоҳликларидан қайтиб: «Биз уни ўлдиришни қасд қилган эдик» дейишлари. Уларни ҳам қасддан ўлдиришда айбланиб, ўлдирилади.

- Қасдданга ўхшаш ўлдиришга фуқаҳолар раҳимаҳумуллоҳ шундай таъриф берадилар: Қасдданга ўхшаш ўлдириш – бир кишига нисбатан кўпинча ўлимга сабаб бўлмайдиган бир жиноятни қасд қилиш ва у одам шу туфайли вафот этишидир, бу унга тажовуз қасди билан бўладими, адаб бериш учун бўлиб, керагидан ошириб юбориш бўладими, фарқсиз. Жиноятнинг бу турига қасдданга ўхшаш ўлдириш (шибҳул-амд) дейилади. Чунки, жиноятчи бир ишни қасд қилди ва беқасд ўлимга сабабчи бўлди.

Ибн Рушд раҳимаҳуллоҳ айтади: «Ким бир одамни одатда ўлдирмайдиган бир қурол билан уришни қасд қилса, унинг ҳукми қасд билан беқасдлик (билмасдан ўлдириш) ўртасида мутараддид бўлади... Қасдга ўхшаш томони – уни уришни қасд қилгани, беқасдга ўхшаш томони – у билан ўлдиришни қасд қилинмайдиган нарса билан уришидир» (Бидаятул-муҷтаҳид: 4/1653).

Қасдданга ўхшаш ўлдиришга мисол: Агар ўладиган жойидан бошқа жойга қамчи ё кичкина асо билан урса, ёки ўлмайдиган ерига қўли билан туртса ё мушт урса, шунда у одам ўлиб қолса, бу қасдданга ўхшаш ўлдириш бўлади. Бунда жиноятчининг молида каффорат, яъни қул озод қилиш фарз бўлади. Агар тополмаса, худди билмасдан ўлдиришда фарз бўлганидек, икки ой узлуксиз рўза тутати. Жиноятчининг эркак қариндошлари молида оғирлаштирилган хун пули фарз бўлади. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда келганки: «Ҳузайллик икки аёл урушиб қолиб, бири иккинчисига тош отиб, уни қорнидаги боласи билан қўшиб ўлдириб қўйди... Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлнинг хун пулини унинг (яъни, ўлдириб қўйган аёлнинг) эркак қариндошлари зиммасига ҳукм қилдилар» (Бухорий (6910), Муслим (1681) ривоятлари).

Ҳадис қасдданга ўхшаш ўлдиришда қасос вожиб эмаслигига ва унинг дияси (хун пули) қатл қилган кишининг оқиласи – асаба йўли билан унга ворис бўлувчи эркак қариндошлари – зиммасига бўлишига далил бўлади. Чунки, бу қасосни вожиб қилмайдиган қатл бўлиб, унинг дияси худди билмасдан ўлдиришда бўлгани каби оқила зиммасида бўлади.

Ибнул Мунзир раҳимаҳуллоҳ айтади: «Биз билган барча аҳли илмлар унинг оқила зиммасига бўлишига ижмоъ-иттифоқ қилганлар» (Ал-ижмоъ: 172-б).

Ал-Муваффақ раҳимаҳуллоҳ айтади: «Унинг оқила

зиммасига бўлишида хилоф борлигини билмаймиз» (Ал-муғний: 12/16). Бу икковларидан бошқалар ҳам шу каби сўзни айтганлар.

- Билмасдан (хотоан) ўлдириб қўйишга фуқаҳолар шундай таъриф берганлар: «У – бир киши қилиши мумкин бўлган нарсани қилиши, масалан, бирон ов ёки нишонга ўқ узиши, ўқи эса у қасд қилмаган бир маъсум (қони тўқилиши мумкин бўлмаган, беайб) бир одамийга тегиб, уни ўлдириб қўйиши ёки кофирлар сафидаги бир мусулмонни кофир деган гумонда ўлдириб қўйишидир.
- Гўдак бола ва мажнун кишининг қасддан ўлдириши ҳам билмасдан ўлдириш ўрнига ўтади. Чунки, бу иккисида қасд бўлмайди ва улар билмасдан қилган мукаллаф ўрнида бўладилар.

Бировнинг ўлимига сабаб бўлиш ҳам билмасдан ўлдириш каторига киради. Масалан, бир киши йўл устига қудуқ ё чох казиб қўйиши ё сайёрасини (автоуловини) тўхтатиб қўйиши, шу сабабли бир инсон ҳалок бўлиши каби.

- Билмасдан ўлдириб қўйишда қотилнинг молида каффорат, яъни бир мўмин қулни озод қилиш фарз бўлади. Агар қул тополмаса ёки қул топса-ю, унга етарли пул тополмаса, икки ой узлуксиз рўза тутати. Хун пули бериш оқиласига – яъни, асаба йўли билан унга ворис бўлувчи эркак қариндошларига фарз бўлади.
- Ким кофирлар сафидаги бир мусулмонни кофир деган

гумонда ўлдириб қўйса, унга фақат каффорат фарз бўлади. Чунки, Аллоҳ таоло: «Ким бир мўминни билмай ўлдириб қўйса, у бир мўмин қулни озод қилиши ва маййитнинг эгаларига — агар кечиб юбормасалар — хун тўлаши вожибдир. Агар маййит ўзи мўмин бўлиб, сизларга душман қавмдан бўлса, фақат бир мўмин қулни озод қилиши вожиб. Агар у сизлар билан сулҳ тузган қавмдан бўлса, унинг эгаларига хун тўлаш ва бир мўмин қулни озод қилиш лозим. Бас, ким (озод қилиш учун бир қул) топишга қодир бўлмаса, Аллоҳга тавба қилиб муттасил икки ой рўза тутмоғи лозим. Аллоҳ билим ва ҳикмат эгаси бўлган зотдир» (Нисо: 92), деди.

Демак, Аллоҳ таоло билмасдан ўлдириб қўйишни икки қисмга ажратди:

Биринчи қисмда қотилга каффорат ва унинг оқиласига дия фарз бўлади. Бу – кофирлар сафида бўлмаган бир мўминни билмасдан ўлдириб қўйиш, шунингдек, ўлдирилган шахс биз билан улар ўртасида сулҳ шартномаси бўлган қавмдан бўлган ҳолатдир.

Иккинчи қисмда фақат дия фарз бўлади. Бу – кофирлар сафидаги мўминни кофир деган гумонда ўлдириб қўйишдир.

Имом Шавканий раҳимахуллоҳ «Агар маййит ўзи мўмин бўлиб, сизларга душман қавмдан бўлса, фақат бир мўмин қулни озод қилиши вожиб» ояти тафсирида айтади: «Яъни, агар ўлдирилган шахс сизларга душман бўлган уруш

ҳолатидаги қавмдан бўлса. Бу кофирлар диёрида кофирлар ичида бўлиб, сўнг Исломни қабул қилган ва ҳижрат қилмаган бир мўминнинг масаласики, мусулмонлар унинг Исломни қабул қилганидан беҳабар, қавмининг динида деб ўйлаб ўлдириб қўйишади. Унинг қотилига дия фарз бўлмайди, балки бир мўмин қулни озод қилиш фарз бўлади. Ундан диянинг соқит бўлиши сабаб ҳақида ихтилоф қилганлар. Бир қавлга кўра, унинг сабаби шуки, ўлдирилган шахснинг валийлари кофирлардир, улар дияга ҳақли эмаслар. Бир қавлга кўра, унинг сабаби шуки, иймон келтирган, лекин ҳижрат қилмаган бу одамнинг ҳурмати камдир. Чунки, Аллоҳ таоло: «Иймон келтирган, аммо ҳижрат қилмаган кишилар эса то ҳижрат қилмагунларича сизлар уларга дўстлик қила олмайсизлар» (Анфол: 72), деди. Баъзи аҳли илмлар унинг дияси байтул-мол зиммасига бўлишини айтганлар» (Фатҳул-қодийр: 1/498).

Шайхулислом Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтади: «Бу кофирлар ичида худди асир каби маъзур бўлган мусулмон, шунингдек улар сафидан чиқишга ва ҳижрат қилишга имкон қилолмаган мусулмон ҳақидадир. Аммо, жангда ўз ихтиёри билан улар сафида бўлган мусулмон кишига асло зомин бўлинмайди. Чунки, у ўзини узрсиз ҳалокатга кўндаланг қилди» («Ҳошиятур-равзил-мурбиъ» соҳиби ундан нақл қилган: 7/178).

- Билмасдан ўлдириб қўйишнинг дияси қотилнинг оқиласи зиммасига бўлишига Абу Ҳурайра розияллоҳу анху ривоят қилган қуйидаги ҳадис далил бўлади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Бану Лаҳёнлик аёлнинг ўлик тушган ҳомиласининг диясида бир кул ё чўрига ҳукм қилдилар. Сўнг (дия учун) кул топширишига ҳукм қилган аёл вафот этди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг меросини эрига ва болаларига, (зиммасидаги тўлаши лозим бўлган) дияни эса асабасига ҳукм қилдилар» (Бухорий (6740), Муслим (1681) ривояти).

Ҳадис билмасдан ўлдириб қўйишдаги дия қотилнинг оқиласи зиммасига бўлишига далилдир, уламолар шунга ижмоъ қилганлар.

Бундаги ҳикмат – валлоҳу аълам – шуки, дияни билмасдан ўлдириб қўйган кишининг молига вожиб қилиш унга ўзи қасд қилмаган бир гуноҳ сабабли катта зарар етказиш бўлади. Билмасдан қилиш кўп содир бўлиб турадиган ҳолатдир. Унга билмай қилган иши учун зоминликни (жавобгарликни) юклашда молига зиён етказиш ҳосил бўлади. Мақтул (ўлдирилган шахс) учун бадални вожиб қилиш шарт, чунки у ҳурмат эгаси бўлган бир жонзот эди. Унинг қонини (қасосдан ё диядан) бекор қилишда ворисларига, айниқса оиласига зарар бор. Шу туфайли шариат соҳиби бўлмиш ҳикматли зот қотилга биродар ва кўмакдош бўлган кишиларга бу ишда ҳам унга ёрдам беришни вожиб қилди. Бу худди нафақаларни вожиб қилиш ва асирларни бўшатиб олишдаги ёрдам кабидир. Чунки, фаразан мазкур жинойтни содир этган одам агар вафот этса, унинг оқиласи (асаба йўли билан унга меросхўр бўлувчи

эркак қариндошлари) унинг меросини олишарди, энди унинг билмасдан қилган жиноятини ҳам бирга кўтаришади, фойдага ҳам, зиёнга ҳам шерик бўлишади.

● Бир неча ишлар сабабли қотилга каффорат юклатилди:

1. Увол кетган жоннинг ҳурмати.
2. Ўлимга унинг бепарволиги ҳам сабаб бўлгани.
3. Қотилга хун пули юкланмагани туфайли, биронта ҳам жавобгарликдан озод қолавермаслиги учун.

Хун пулини қотилнинг эркак қариндошларига, каффоратни қотилга юкланишида бир неча ҳикмат ва манфаатлар борлиги маълум бўлди. Одамлар учун уларни ислоҳ қиладиган ва дину дунёларида манфаатли бўлган ҳукмларни машруъ қилган Аллоҳ таолога ҳамдлар бўлсин.

- Қул, фақир, гўдак бола, мажнун, аёл киши, жиноят содир қилган киши билан дини бошқа одам унинг оқиласига кирмайди. Чунки, улар унинг кўмакчилари ва ёр-биродарлари эмасдир.
- Билмасдан ўлдириб қўйганнинг хун пулини оқиллага уч йил муддатда тўлашга муҳлат берилади, ҳоким улардан ҳар бирига унинг қурби етадиган миқдорни юклашга ҳаракат қилади ва бунда энг яқин қариндошларидан бошлайди.

Шайхулислов Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтади: «Агар имом (раҳбар) шунда манфаат бор деб кўрса, оқиллага дияни кечиктириб тўлашга муҳлат бермайди...» (Ал-фатавал-кубро: 5/525).

Қасосга доир аҳкомлар ҳақидаги боб

- Уламолар қасддан одам ўлдиришда – агар шартлари тўла топилса – қасоснинг машруъ эканига ижмоъ қилганлар. Чунки, Аллоҳ таоло деди: «Эй мўминлар, сизларга ўлдирилган кишилар учун озод киши муқобилига озод кишидан, қул учун қулдан, аёл киши учун аёлдан қасос олиш фарз қилинди» (Бақара: 178), «Унда (яъни Тавротда) уларга жонга жон... қасос олинади, деб фарз қилдик» (Моида: 45). Бу Таврот шариатида эди, биздан аввалгиларнинг шариати модомики бизнинг шариатимиз унга хилоф ҳукм келтирмаган бўлса, биз учун ҳам машруъдир. Аллоҳ таоло айтади: «Сизлар учун қасосда ҳаёт бор, эй аҳли донишлар! Шояд (жиноятлардан сақланиш билан) тақво ҳосил қилсангизлар» (Бақара: 179).

Имом Шавкониё раҳимаҳуллоҳ ушбу оят тафсирида айтади: «Яъни, Аллоҳ таоло сизлар учун машруъ қилган бу ҳукмда сизлар учун ҳаёт бор. Чунки, киши агар бировни ўлдирса, ўзи ҳам қасос йўли билан ўлдирилишини билса, қатлдан тийилади ва бировни ўлдиришга ошиқмайди. Бу эса одамийзотлар учун ҳаёт манзилатидадир. Бу балоғатнинг етук кўриниши ва фасоҳатнинг юксак намунасидир. Чунки, У биров учун ўлим бўлмиш қасосни унинг ортидан келувчи оқибат эътибори билан, яъни одамлар ўз жонларини сақлаб қолиш ва ўз ҳаётларини барбод қилмаслик учун

бир-бирларини ўлдиришдан тийилишлари эътибори билан ҳаёт деб атади. Сўнг бу хитобни аҳли донишларга – ақл эгаларига йўналтирди. Чунки, ўшаларгина ишларнинг оқибатларига назар солувчи ва нақд зарарлардан сақланувчи кишилардир. Аммо, аҳмоқ ва енгилтак кимса ғазаби алангаланган ва жаҳл отига минган пайтда ишининг оқибатига қараб ўтирмайди, унинг ортидан келувчи натижа ҳақида фикр ҳам қилмайди. Сўнг Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бандаларига машруъ қилган бу ҳукмининг сабабини баён қилиб: «Шояд (жиноятлардан сақланиш билан) тақво ҳосил қилсангизлар» (Бақара: 179), деди. Яъни, қасосни риоя қилиб, қатл жиноятдан сақлансангизлар ва бу тақвога сабаб бўлса...» (Фатҳул-қодийр: 1/176).

Суннати набавияда қасос эгаси қасосни тўла амалга ошириш ёки хун пули олиб, қасосдан кечиш ёки ҳеч нарса олмай бутунлай афв қилиш ўртасида ихтиёрли қилиниши ва мана шуниси энг афзал иш экани баёни келган. Абу Хурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимнинг бир яқин кишиси ўлдирилса, у икки ишнинг бирини танлашга: ё дия ё эса қасос олишга ихтиёрлидир» (Бухорий (2434), Муслим (1355), Абу Довуд (45065), Термизий (1405), Насоий (4785), Ибн Можа (2624) ривоятлари).

Аллоҳ таоло айтади: «Энди кимга биродари томонидан бир оз афв қилинса (яъни қотилдан қасос олиш ўрнига товон олишга рози бўлинса), у ҳолда яхшилик билан бўйсунуш ва чиройли суратда товон тўлаш лозимдир»

(Бақара: 178).

Ояти карима ва ҳадис шариф далолатига кўра, ўлдирилган шахснинг валийси қасос ё дия олишда ихтиёрли бўлади. Хоҳласа қасос олади, хоҳласа дияни қабул қилади. Ҳеч нарса олмасдан, шундоқ афв қилиб юбориши афзалдир. Чунки, Аллоҳ таоло: «Кечиб юборишингиз тақвога яқинроқ ишдир» (Бақара: 237), деди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қай бир киши бир зулмни кечириб юборса, Аллоҳ таоло шу сабабли унга азизликни зиёда қилади», деганлар (Муслим (2588), Термизий (2029), Аҳмад (2/235, №7206) Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар).

Афв қилиб юбориш модомики ёмонликка олиб бормаса, қасос олишдан кўра яхшироқдир. Шайхулислов Ибн Таймия раҳимахуллоҳ хиёнаткорона ўлдиришда афв қилиш яхши бўлмайди, деган фикрни ихтиёр қилган (Мажмуъул-фатава: 28/316). Қозий бир важҳни зикр қилади: Имомларни (раҳбарларни) ўлдирган кишини жазо сифатида ўлдирилади, чунки бунинг фасоди омдир. Аллома Ибнул Қаййим урайналиклар ҳақидаги воқеани келтириб, айтади: «Хиёнаткорона ўлдириш қотилни жазо сифатида ўлдиришни вожиб қилади, афв қилиш уни соқит қилолмайди, бунда тенгма-тенг муомала қилиш эътибор қилинмайди. Бу Мадина аҳлининг мазҳабидир ва Аҳмад мазҳабидаги икки хил қарашнинг биридир, шайхимиз ҳам шунини ихтиёр қилган ва шунга фатво берган» (Зодул-маъод: 4/42).

- Ўлдирилган шахснинг валийси фақат қуйидаги шартлар топилгандагина қасос олишга ҳақли бўлади:

Биринчи шарт: Мақтул (ўлдирилган киши) маъсум, яъни қони тўкилиши ҳалол бўлмаган киши бўлиши. Чунки, қасос олиш қонлар тўкилишини олдини олиш мақсадида машруъ қилинган. Қони тўкилиши ҳалол бўлган кишининг қонини сақлаб қолинмайди. Агар мусулмон уруш ҳолатидаги кофирни ёки муртадни тавба қилишидан олдин ўлдириб қўйса, ёки зинокорни ўлдирса, қасос билан ҳам, дия билан ҳам зомин бўлмайди, лекин унга ҳокимнинг ҳаққига тажовуз қилгани учун таъзир берилади.

Иккинчи шарт: Қотил болиғ ва оқил бўлиши. Чунки, қасос қаттиқ уқубат-жазодир, уни ёш бола ва мажнунга қўллаш дуруст бўлмайди. Чунки, уларда қасд бўлмайди ёки саҳиҳ мақсад бўлмайди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қалам (яъни савоб ё гуноҳ ёзилиши) уч кишидан кўтарилган: ухловчидан то уйғонгунига қадар; гўдак боладан то балоғатга етгунига қадар; мажнундан то ақли жойига келгунига қадар», деганлар (Абу Довуд (4398), Насоий (3432) Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилганлар).

Имом Муваффақуддин ибн Қудома раҳимаҳуллоҳ айтади: «Аҳли илмлар ўртасида гўдак бола ва мажнундан, шунингдек, уйқу ёки беҳушлик каби узрли бир сабаб билан ақли кетган одамдан қасос олинмаслиги борасида хилоф йўқдир» (Ал-муғний: 8/226).

Учинчи шарт: Мақтул билан қотил жиноят пайтида

баробар бўлишлари, яъни динда, озодлик ва қулликда тенг бўлишлари, қотил мусулмонлик ё озодлик жиҳатидан мақтулдан афзал бўлмаслиги.

- Мусулмонни кофир муқобилига ўлдирилмайди. Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мусулмонни кофир муқобилига ўлдирилмайди», деганлар (Бухорий (111), Абу Довуд (2751), Термизий 1412), Насоий (4744), Ибн Можа (2658) Алий розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар).
- Озод кишини қул муқобилига ўлдирилмайди. Чунки, Аҳмад Алий розияллоҳу анҳудан ривоят қилишича: «Озод кишини қул муқобилига ўлдирилмаслиги суннатдандир» (Байҳақий (8/34) ривояти)

Чунки, ўлдирилган шахс юқоридагилар бўйича қотил билан баробар бўлмаса, уни муқобилига буни олиниши ҳақдан ортиқча нарсани олиш бўлиб қолади.

Юқоридагилардан бошқаларда қотил билан мақтул ўртасида бўлган тафовут таъсир кўрсатмайди. Чиройлини хунук муқобилига, шарафлини шарафсиз муқобилига, каттани кичик муқобилига ўлдирилади, эркакни аёл муқобилига, соғлом кишини мажнун ва эси паст муқобилига ўлдирилади. Чунки, Аллоҳ таоло: «Унда (яъни Тавротда) уларга жонга жон... қасос олинади, деб ёзиб қўйдик» (Моида: 45), «... озод киши муқобилига озод кишидан... қасос олиш фарз қилинди» (Бақара: 178), деди.

Тўртинчи шарт: Мақтул қотилнинг фарзанди ё ўғлининг фарзанди ё қизининг фарзанди бўлмаслиги, ҳар

қанча қуйига кетса ҳам. Ота ё она – ҳар қанча юқорига караб кетса ҳам – фарзанд муқобилига – ҳар қанча қуйига кетса ҳам – ўлдирилмайди. Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ота фарзанди муқобилига ўлдирилмайди», деганлар (Термизий (1401), Ибн Можа (2662) Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилганлар).

Ибн Абдулбар раҳимаҳуллоҳ айтади: «Бу Ҳижоз ва Ироқдаги аҳли илмлар ўртасида жуда машҳур ҳадисдир...» (Ат-тамҳид: 23/437).

Қасоснинг вожиблигини олиб келган умумий ҳукмлар шу каби ҳадислар билан хосланади, бу жумҳур аҳли илмнинг сўзидир.

- Фарзандни ота ё она муқобилига ўлдирилади. Чунки, «Сизларга ўлдирилган кишилар учун ... қасос олиш фарз қилинди» (Бақара: 178) оятининг умумий маъноси шунга далолат қилади. Фақат фарзандини ўлдирган отани бошқа далил билан бундан мустасно қилинди.

Мазкур тўрт шарт топилса, мақтулнинг валийлари қасос олишга ҳақли бўладилар.

- Қасоснинг машруъ қилинишида одамлар учун раҳмат ва уларнинг қонларини сақлаб қолиш бордир. Аллоҳ таоло айтганидек: «Сизлар учун қасосда ҳаёт бор, эй аҳли донишлар! Шояд (жиноятлардан сақланиш билан) тақво ҳосил қилсангизлар» (Бақара: 179).

Қуриб кетсин қасосни ваҳшийлик ва ўта қаттиққўллик дейдиган кимсалар! Ундайлар жиноятчининг бегуноҳ одамни ўлдиришга қўл урган пайтидаги, юрт қалбига

қўрқув солишга уринган, хотинларни бева, болаларни етим, хонадонларни вайрон қилишга қўл урган пайтидаги ваҳшийлигига қарамайдилар. Улар тажовузкорга раҳм-шафқат қиладилар-у, бегуноҳ одамларга раҳмлари келмайди. Суф уларнинг ақлларига, туф уларнинг нодонликларига! «Жоҳилият ҳукмини истайдиларми?! Иймонлари комил бўлган қавм учун Аллоҳдан ҳам гўзалроқ ҳукм қилувчи ким бор?!» (Моида: 50).

- Қасос – унга нисбатан жиноят содир этилган кишининг ёки унинг валийсининг жиноятчига нисбатан айни ўша ишни қилишидир. Унинг ҳикмати – кўнгил таскин топиши ва ғазаб оловининг сўнишидир. Аллоҳ таоло қасосни тажовузни тийиб қўйиш ва кўнгилларни тўлдириш, жиноятчига у жабрланган кишига тоттирган нарсани тоттириш учун машруъ қилди. Қасосда инсон зоти учун ҳаёт ва сақланиб қолиш бор.
- Жоҳилият аҳли ўч олишда ўта муболаға қилишар, бир жиноят учун уни қилган кишидан бошқалардан ҳам ўч олишар эди. Бу эса у билан кўзда тутилган мақсад ҳосил бўлмайдиган, аксинча, фитнани зиёда қилиш ва қон тўкишни кўпайтиришга олиб келувчи иш эди. Ислом дини ва унинг комил шариати қасос ҳукмини олиб келди ва жазони жиноятчининг ўзига чеклади, бу билан адолат, раҳм-шафқат ва қонларни сақлаб қолиш қарор топди.
- Юқорида қасос фарз бўлишининг шартларини айтиб ўтилди. Лекин, ушбу шартлар тўла-тўқис топилиб,

қасос фарз бўлган тақдирда ҳам бошқа бир неча шартлар тўла бўлмагунча уни ижро қилиш жоиз бўлмайди. Фуқаҳолар — раҳимаҳумуллоҳ — ушбу шартларни қасосни тўла-тўқис охирига етказиш шартлари, деб номлаганлар. Улар учта шартдан иборат:

Биринчи шарт: Қасос олишга ҳақли бўлган шахс мукаллаф бўлиши, яъни оқил ва болиғ бўлиши шарт. Агар қасосга ҳақдор шахс ёки ҳақдорларнинг баъзиси гўдак бола ё мажнун бўлса, уларнинг валийси улар учун қасос олиб қўймайди. Чунки, қасосда кўнгил таскин топиши ва ўчини олиш бор бўлиб, ҳақдорнинг қасосини бошқа биров олганида бу нарса ҳосил бўлмай қолади. Шунинг учун то ёш бола улғайгунигача ва мажнун ўзига келгунигача қасосни ижро қилишни кечиктириб туриш ва жинойтчини камоқда сақлаш фарз бўлади. Муовия розияллоҳу анҳу Худба ибн Хашрамни то у ўлдирган одамнинг боласи балоғатга етгунига қадар ҳибсда сақлаган (Қаранг: Тарих Димашқ: 34/374), бу иш саҳобалар асрида бўлган ва улар тарафидан инкор қилинмаган. Демак, бу Муовия розияллоҳу анҳу замонидаги саҳобаларнинг ижмоъига айланган.

Агар қасос эгаларидан бўлган ёш бола ёки мажнун нафақага муҳтож бўлса, мажнуннинг валийси хун пулини олиб, афв қилиши мумкин, чунки унинг жунуни қачон кетиши номаълум. Ёш боланинг валийси эса бундай қилишга ҳақли бўлмайди.

Иккинчи шарт: Валийлар ва қасосда шерик бўлувчилар

уни тўла ижро қилишга келишиб олишлари, баъзилари қолиб баъзилари уни ижро қилмасликлари. Чунки, қасосни ижро қилиш муштарак ҳақдир, уни бўлақларга бўлиб бўлмайди. Агар баъзилари унинг ижросидан четда қолиб кетишса, бошқа баъзилари бировнинг ҳаққини унинг изнисиз олиб кўйган бўлади.

Агар қасосга ҳақли бўлишда шерик бўлган кишилардан баъзилари ғойиб ё ёш бола ё мажнун бўлса, ғойибнинг келишини, ёш боланинг балоғатга етишини, мажнуннинг эси жойига қайтишини кутилади.

Қасосга ҳақдорлардан бирови вафот этса, вориси унинг ўрнини эгаллайди.

Агар қасосга ҳақдорликда шерик бўлганларнинг баъзилари кечириб юборсалар, қасос соқит бўлади.

Насаб ва сабаб билан ворис бўлган барча меросхўрлар – эркагу аёл, каттаю кичик қасосга ҳақдорликда шерик бўладилар. Баъзи уламоларнинг сўзларига кўра, кечириб юбориш фақат асабаларга хосдир. Бу имом Моликнинг сўзи, имом Аҳмаддан бир ривоятдир, шайхулислом Ибн Таймия ҳам шу фикрни ихтиёр қилган. (Ал-фатавал-кубро: 5/523).

Учинчи шарт: Қасосни ижро қилиш жиноятчидан бошқа одамга ҳам ўтиб кетишидан омонликда бўлиш. Чунки, Аллоҳ таоло: «Кимки мазлум бўлган ҳолида (яъни, ноҳақ) ўлдирилса, биз унинг эгаси — вориси учун (қасос олишга) ҳуқуқ бергандирмиз. Бас, у (қотилни) ўлдиришда ҳаддан ошмасин (яъни, қотилнинг ўрнига бошқа бировни

ўлдирмасин, ё бир кишининг муқобилига икки кишини ўлдирмасин, ёки қотилни ўлдиришда унинг қулоқ-бурнини кесмасин)! Зеро, у (Аллоҳ томонидан қотилнинг устига) голиб қилинган зотдир», деди (Исро: 33).

Демак, қасосда ҳаддан ошиш тажовуздир, ояти карима бундан ман қилишга далил бўлади. Агар ҳомиладор аёлдан қасос олиш фарз бўлса ёки у қасос фарз бўлганидан сўнг ҳомиладор бўлиб қолса, то ҳомиласини туққунича қасосни кечиктирилади. Чунки, уни ўлдириш бегуноҳ ҳомилага тажовуз қилиш бўлиб қолади. Аллоҳ таоло: «Ҳеч бир кўтарувчи (яъни гуноҳкор жон) ўзга жоннинг юкини (яъни гуноҳини) кўтармас», деди (Анъом: 164). Болани туққанидан сўнг агар эмизадиган одам топилса, болани унга берилади ва қасосни ижро қилинади. Агар эмизувчи топилмаса, то икки йил эмизиб, сутдан айиргунига қадар қўйиб турилади. Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аёл киши қасддан ўлдирса, агар ҳомиладор бўлса то ҳомиласини туққунига қадар ва то боласи кафолатга олинмагунича уни ўлдирилмайди. Агар зино қилган бўлса ҳам то қорнидагини туққунига қадар ва то боласи кафолатга олинмагунича уни тошбўрон қилинмайди», деганлар (Ибн Можа (2694) ривояти). Зинони бўйнига олиб келган аёлга: «Қайтиб кетавер то туққунигча», деганлар, кейин: «Қайтиб кетавер то эмизиб, сутдан айиргунингча», деганлар (Абу Довуд (4442) ривояти, ҳадиснинг асли «Саҳих Муслим»да (1695) мавжуд).

Мазкур оят ва иккала ҳадис ҳомила туфайли қасосни

кечиктирилишига далил бўлади ва бу ижмоъдир. Бу эса шариатимизнинг комиллиги ва адолатлилигига далил бўлади. Зеро, у қоринлардаги ҳомилаларни ҳам риоя қилди ва уларга зарар етишига йўл қўймади, ёш болалар ва заифларнинг ҳақларига риоя қилди, улардан зарарни даф қилди ва уларнинг ҳаётларини асрашни қафолатлади. Бандаларнинг манфаатларини ўз ичига олган бу комил ва шомил шариати учун Аллоҳга ҳамдлар бўлсин.

- Қасоснинг ижроси тажовуздан холи бўлиши ва шаръий йўлга қатъий риоя қилиниши учун имом (халифа, раҳбар) ёки ноибининг кузатуви остида амалга оширилиши шарт.
- Қасосни ижро этиш қуроли қилич ва пичоқ каби ўтқир асбоб бўлиши шарт қилинади. Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар қатл қилсангиз, қатлни ҳам чиройли қилингиз», деганлар (Муслим (1955) Шаддод ибн Авс розияллоҳу анҳудан ривоят қилган).

Қасосни ўтмас ва тўмтоқ қурол билан ижро қилиш ман қилинади, чунки бу қатлда ҳаддан ошишдир.

- Кейин, агар валий шаръий кўринишда чиройли ижро қила олса қилади, акс ҳолда ҳоким уни ўз ўрнига қасос олиш учун бирон кишини вакил қилишга буюради.
- Уламоларнинг сўзларидан саҳиҳроғига кўра, жинойтчига у жабрланувчига нима қилган бўлса, айти шу ишни қилинади. Чунки, Аллоҳ таоло айтади: «(Эй мўминлар), агар сизлар (ўзингизга етган бирон

зиён-заҳмат учун) интиқом олмоқчи бўлсангизлар, у ҳолда фақат сизларга етказилган зиён баробарида интиқом олингиз» (Наҳл: 126), «Бас, ким сизларга тажовуз қилса, сизлар ҳам уларга тажовузлари муқобилида тажовуз қилинг!» (Бақара: 194). Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир яҳудий ансорлардан бўлган жориянинг бошини ёргани учун унинг ҳам бошини ёришга буюрганлар (Бухорий (6877), Муслим (1672) Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар).

Имом Ибнул Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Китобга ва (адолат) тарозисига кўра, жиноятчига у жабрланувчига қилган ишни қилинади, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай қилганлар, Қуръон, Суннат ва саҳобаларнинг асарлари шунга иттифоқ қилгандир» (Иъламул-муваққиъийн: 1/301).

Бинобарин, агар қўлларини кесиб, кейин ўлдирган бўлса, унинг ўзини ҳам шундай қилинади. Агар тош билан уриб ўлдирган бўлса ёки сувга чўктирган бўлса ё бошқа бирон йўл билан ўлдирган бўлса, унинг ўзини ҳам худди шу йўл билан ўлдирилади. Агар қасос эгаси унинг калласини қилич билан олиш билан чекланишни истаса, шундай қилади ва бу энг афзалдир.

Агар ҳаром қилинган бир иш орқали ўлдирган бўлса, уни қилич билан қатл қилинади.

Ҳозирги замонда отишни яхши билган одам ўқ отиш қуроли билан отиб ўлдириши ҳам қилич билан ўлдиришга ўхшагандир.

Тана аъзоларидаги қасос ҳақидаги боб

- Тана аъзолари ва жароҳатлардаги қасос ҳам Қуръон, Суннат ва ижмоъ билан собитдир:
- Аллоҳ таоло айтади: «Унда (яъни Тавротда) уларга жонга жон, кўзга кўз, бурунга бурун, кулоққа кулоқ, тишга тиш ва (яна бошқа барча) жароҳатларга ҳам қасос олинади, деб фарз қилдик» (Моида: 45).
- «Саҳиҳайн»да келган Рубаййиънинг тишлари синдирилиши ҳақидаги ҳикояда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳнинг Китоби қасос(га ҳукм қилади)», деганлар (Бухорий (2703), Муслим (1675) Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар.
- Қай бир кишига жонга жон билан қасос олишга имкон берилган бўлса, унга тана аъзолари ва жароҳатларда ҳам қасос олишга имкон берилади. Фақат қасоснинг юқорида баён қилинган шартлари – маъсумлик, мукаллафлик, тенг-баробарлик, отаси бўлмаслик деган шартлар топилиши керак. Яъни, жабрланувчи шахс маъсум (қони тўкилиши ҳалол бўлмаган) бўлиши, жиноятни содир этган шахс мукаллаф бўлиши, жабрланувчи жиноятчи билан озодлик ва қулликда баробар бўлиши, жиноятни содир этган киши жабрланувчининг отаси бўлмаслиги лозим. Кимгаки,

жонга жон билан қасос олишига имкон берилмаса, тана аъзолари ва жароҳатларда ҳам қасос олишига имкон берилмайди. Бу бобдаги қоида шудир.

- Тана аъзолари ва жароҳатлардаги қасосни фарз қилувчи сабаб жондаги қасосни фарз қилувчи сабабнинг айна ўзи, яъни жиноят қасддан содир этилган бўлишидир. Билмасдан қилинган (хотоан) ёки қасдданга ўхшаш (шибҳул амд)да қасос йўқдир. Тана аъзоларида қасос жорий бўлади, кўзга кўз, бурунга бурун, кулоққа кулоқ, қўлга қўл, оёққа оёқ, барча айтиб ўтилган аъзоларда ўнгига ўнг, чапига чап қасос олинади, жиноятчи жабрланувчининг қайси тишини қандай синдирган бўлса ўша тишини шундай синдирилади, қовоққа қовоқ, юқорисига юқориси, пастига пасти қасос олинади, лабга лаб, юқорисига юқори, пасткига пасткиси қасос олинади. Чунки, Аллоҳ таоло: «... ва (яна бошқа барча) жароҳатларга ҳам қасос олинади, деб фарз қилдик», деди (Моида: 45). Чунки, қовоқ ва лабнинг ҳар бирининг тугалланадиган чегараси бўлади. Бармоққа исмда айна шунга ўхшаган бармоқнинг айна ўша жойидан қасос олинади, кафтга айна ўша кафтни, ўнгига ўнгни, чапига чапни қасос олинади, тирсакка айна ўша тирсакни, ўнгига ўнгни, чапига чапни қасос олинади, закарга (жинсий олатга) закарни қасос олинади, чунки унинг ҳам ўз чегараси бор, унда ҳам ҳаддан ошмасдан қасос олиш мумкин. Чунки, Аллоҳ таолонинг: «... ва

(яна бошқа барча) жароҳатларга ҳам қасос олинади, деб фарз қилдик», (Моида: 45) деган оятининг умуми остига киради.

- Тана аъзоларида қасос олиш учун учта шарт топилиши керак:

Биринчи шарт: Адолатсизликдан омонда бўлиш. Бу эса кесишнинг бўғимдан ёки аъзонинг тугаган жойидан бўлиши биландир. Агар шундай бўлмаса, қасос жоиз бўлмайди. Бинобарин, бир аниқ чегараси бўлмаган жароҳатда, масалан, қорин ичига кирган жароҳатда қасос йўқдир. Чунки, унинг кесиш етиб борадиган аниқ чегараси йўқдир. Шунингдек, тишдан бошқа суякнинг, масалан, болдир, сон, билак суягининг синдирилганида қасос йўқ. Чунки, айти ўзига ўхшатиб синдириш имкони йўқ. Аммо, тишни синдиришда қасос жорий бўлади, бунда жиноятчининг тишини у жабрланувчининг тишини қанча миқдорда синдирган бўлса, айти шу миқдорда эговлаб ташланади.

Иккинчи шарт: Жиноятчи билан жабрланувчининг аъзолари исмда ва жойлашиш ўрнида бир хил бўлиши. Бинобарин, кўл, оёқ, кўз, кулоқ ва шу каби жуфт аъзоларда ўнгининг муқобилига чапини, чапининг муқобилига ўнгини олинмайди. Чунки, улардан ҳар бири ўзига хос исмга эга ва ўзига хос фойдаси бор, бири бошқасига ўхшамайди. Шундай экан, номи бошқа бўлгани учун кўрсаткич бармоқ муқобилига ўрта бармоқни олинмайди, ортиқча аъзо муқобилига аслий аъзони ҳам олинмайди.

Учинчи шарт: Жиноятчининг ҳам, жабрланувчининг ҳам ўша бир хил аъзоси соғломлик ва мукамалликда баробар бўлиши. Фалаж бўлган қўл ё оёқ муқобилига соғ қўл ё оёқни олинмайди, бармоқлари ё тирноқлари нуқсонли бўлган қўл ё оёқ муқобилига нуқсонсиз қўл ё оёқ олинмайди, кўрмайдиган кўз ўрнига соғ кўзни олинмайди, соқов тил муқобилига сўзловчи тилни олинмайди.

Комил аъзо муқобилига нуқсонли аъзони олиш мумкин, соғломи ўрнига фалажини олинаверади, бармоқлари нуқсонсизи ўрнига бармоқлари нуқсонлисини олинаверади. Чунки, бунинг майиби ҳам хилқатда (яралишда) саҳиҳга ўхшагандир, фақат сифатдагина нуқсонлидир.

- Энди жароҳатлардаги қасос ҳақида:
- Суякка етиб борган ҳар қандай жароҳатда қасос олинади, чунки бунда ҳаддан ошмай, зиёда қилмай олиш имкони бор. Бош ва юздаги ёриқ, билак, болдир, сон ва қадамдаги жароҳат каби. Чунки, Аллоҳ таоло: «... ва (яна бошқа барча) жароҳатларга ҳам қасос олинади, деб фарз қилдик», (Моида: 45) деган.
- Аммо суякка етиб бормаган жароҳатда қасос олиш жоиз бўлмайди, хоҳ ёриқ бўлсин, хоҳ баданга чуқур кирган, қорин, кўкрак, томоқдаги жароҳат бўлсин, фарқсиз. Чунки, бундаги қасосда адолатсизлик ва зиёдалик хавфи бор.

Марфуъ ҳадис борки: «Маъмуна, жайфа ва мунаққилада қасос йўқдир» (Ибн Можа (2637) Аббос ибн Абдулмутталиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилган).

Маъмуна – миянинг қобиғига етиб борган ёрикдир, жаифа – қориннинг ичигача кириб борган жароҳат, мунаққила – бошни ёриб, суякларни кўчириб юборган жароҳатдир.

Шайхулислом Ибн Таймия раҳимахуллоҳ айтади: «Жароҳатлардаги қасос ҳам тенг бўлиш шарти билан Қуръон, Суннат ва ижмоъ билан собитдир. Агар ўнг кўлини бўғимидан кесган бўлса, унинг ҳам ўнг кўлини айна шу еридан кесиш керак бўлади. Агар тишини суғурган бўлса, унинг ҳам тишини суғурилади. Агар бошини ё юзини ёриб, суягини очиб қўйган бўлса, уни ҳам шундай қилинади. Агар баробарлик имкони бўлмаса, масалан, ички суягини синдирган ё очик бўлмаган жароҳатлаган бўлса, қасос машруъ бўлмайди, балки белгиланган дия тўлаш фарз бўлади» (Мажмуъул-фатава: 28/379).

- Қўл билан ё таёқ ё қамчи каби нарса билан уришдаги қасос борасида:

Шайхулислом айтади: «Уламолардан бир тоифасининг сўзларига кўра, бунда қасос йўқ, балки таъзир бериш бордир. Чунки, бунда тенглик-баробарлик йўқдир. Хулафои рошидийн ва бошқа саҳобалардан, шунингдек тобеинлардан маълум бўлган иш шуки, бунда қасос машруъдир. Бу Аҳмад ва бошқа фуқаҳоларнинг сўзларидир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари ҳам шуни келтирган ва шу тўғридир... Умар розияллоҳу анху айтганлар: «Огоҳ бўлингиз, Аллоҳга қасамки, мен сизларга амалдорларимни сизларнинг башараларингизга уришлари учун юбормайман... Жоним Қўлида бўлган Зотга

қасамки, ким шундай қилса, мен ундан қасос олдираман. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни ўз баданларидан қасос олдирганларини кўрганман» (Ахмад (1/14, №286) ривояти). Бунинг маъноси – раҳбар ўз кўли остидаги раъиятни жоиз бўлмаган кўринишда уришидир. Аммо, машруъ кўринишдаги уришда қасос йўқлигига ижмоъ қилинган» (Мажмуъул-фатава: 28/379-380).

Ибнул Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Шофеийлар, ҳанафийлар, моликийлар ва асҳобларнинг мутааххирлари мушт туширишда қасос йўқ дедилар, баъзилари ижмоъ борлигини айтдилар ва очик қиёсдан ҳамда нассларнинг тақозоси ва саҳобаларнинг ижмоъидан четга чиқдилар. Аллоҳ таоло айтади: «(Эй мўминлар), агар сизлар (ўзингизга етган бирон зиён-заҳмат учун) интиқом олмоқчи бўлсангизлар, у ҳолда фақат сизларга етказилган зиён баробарида интиқом олингиз» (Наҳл: 126).

Демак, калтак еган одам жиноятчини у уни қандай урган бўлса, шундай уриши. Ўша жойига, у урган ёки айни ўшанга ўхшаш қурол билан уриши, зарбага зарба билан жавоб бериши унинг тажовузи жинсидан бошқача йўл билан таъзир беришдан кўра ҳиссан ва шаръан буюрилган тенгликка яқиндир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг, у зотнинг халифаларининг йўли ҳам, қиёс ҳам шудир» (Иъламул-муваққиъийн: 1/294).

Бир киши учун кўпчиликдан қасос олиш ҳақидаги боб

- Агар бир шахсни қасддан тажовузкорона ўлдиришда бир жамоат иштирок этган бўлса, уламоларнинг сўзларидан саҳиҳроғига кўра, уларнинг ҳаммасидан қасос олинади ва ўша киши муқобилига уларнинг ҳаммаси ўлдирилади. Чунки, бу Аллоҳ таолонинг қуйидаги оятлари умумига киради: «Эй мўминлар, сизларга ўлдирилган кишилар учун ... қасос олиш фарз қилинди» (Бақара: 178), «Сизлар учун қасосда ҳаёт бор, эй аҳли донишлар! Шояд (жиноятлардан сақланиш билан) тақво ҳосил қилсангизлар» (Бақара: 179). Қолаверса, бунга саҳобаларнинг ижмоълари ҳам бор.

Саид ибн Мусаййиб ривоят қилади: «Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу бир одамни ўлдирган Санъолик етти кишини ўлдиргиздилар ва: «Агар уни ўлдиришга бутун Санъо аҳли бирикканида, ҳаммасини ўлдиргизган бўлардим, деганлар.» (Абдурраззоқ (9/479, №18079), Дорақутний (3/142, №3427). Бошқа саҳобалардан ҳам бир киши муқобилига кўпчиликни қатл қилдиришлари собит бўлган, ўз асрларида уларга муҳолиф фикр билдирувчи бўлмаган, демак бу улар тарафидан бўлган ижмоъ бўлди.

Имом Ибнул Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Саҳобалар ва фуқаҳолар оммаси бир киши муқобилига кўпчиликни қатл қилишга иттифоқ қилганлар. Гарчи қасоснинг асли буни ман қилса ҳам, қасос олмаслик қонлар тўкилишига ёрдамлашишга восита бўлиб қолмаслиги учун шундай қилганлар» (Иъламул-муваққиъийн: 2/143).

Ибн Рушд раҳимахуллоҳ айтади: «Зеро, қасос дегани – Қуръон таъкидлаганидек – қатлнинг олдини олиш учун машруъ қилинган қатлдир. Агар бир киши муқобилига кўпчиликни қатл қилинмас экан, одамлар бир кишини кўпчилик бўлиб ўлдириш орқали қатлга йўл очиб оладилар. Қолаверса, (қасос) ташналигини қондириш ва (қатлдан) тийиб кўйиш фақат (қотилларнинг) ҳаммасини қатл қилиш билангина ҳосил бўлади» (Бидаятул-мужтаҳид: 2/489).

- Бир киши муқобилига кўпчиликни қатл қилиш учун улардан ҳар бирининг қилган иши ёлғиз бўлган ҳолида ҳам қатл учун яроқли бўлиши шарт қилинади. Яъни, барчаси қатлни бевосита амалга оширган бўлиши ва ҳар бирининг қилмиши ўзи ёлғиз бўлган ҳолатда ҳам қотилликка ярайдиган бўлиши керак.

Агарчи ҳар бирининг қилган иши ёлғиз ҳолатда қатлга яроқли бўлмаса ҳам, ҳаммалари жабрланувчини ўлдириш учун унинг устига ёпирилиб келган бўлсалар, ҳаммаларидан қасос олиш фарз бўлади. Чунки, қатлни бевосита амалга оширмаганлари ҳам уни бевосита амалга оширганларига тиргак ва ёрдамчи бўлган бўлади.

- Бир киши бировнинг мажбурлаши билан бир шахсни ўлдирган бўлса, агар шартлари тўла топилса, мажбурлангандан ҳам, мажбур қилувчидан ҳам қасос олинади. Чунки, қотил бировни ўлдириш орқали ўз жонини сақлаб қолишни қасд қилди, мажбур қилувчи эса қатлга сабабчи бўлди.
- Ким ёш болани ёки мажнунни бировни ўлдиришга

буюриб, ўлдиртирган бўлса, қасос буюрган одамнинг ўзидан олиниши фарз бўлади. Чунки, буюрилган шахс буюрувчи кўлида қурол бўлди, унга қасосни вожиб қилиш мумкин эмас.

Шунингдек, агар буюрилган шахс мукаллаф – оқил ва болиғ – бўлса, лекин одам ўлдиришнинг ҳаромлигини билмаса, масалан, Ислом диёридан бошқа жойда ўсиб-улғайган бўлса, қасосни фақат буюрувчидан олиш фарз бўлади. Чунки, буюрилган шахс билмагани учун маъзурдир.

Аммо, агар буюрилган шахс болиғ ва оқил бўлиб, одам ўлдиришнинг ҳаромлигини билса, ноҳақ қатл қилгани учун ундан қасос олиш фарз бўлади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Холиқнинг маъсиятида махлуққа итоат йўқдир», деганлар (Ибн Аби Шайба (6/545, №33717) ривоят қилган, ҳадиснинг асли Бухорий (7257) ва Муслимда (1839) «Аллоҳнинг маъсиятида итоат йўқдир» лафзи билан келган). Буюрувчи султон бўладими, хожа бўладими ё бошқаси бўладими, фарқсиздир. Бу ҳолатда буюрувчига у гуноҳ иш қилгани учун ва қайтиб бундай ишга қўл урмаслиги учун имом (рахбар) қандай лозим кўрса, шундай таъзир берилади.

- Агар бир шахсни ўлдиришда икки киши қасддан ва тажовуз билан иштирок этган бўлса-ю, улардан бирида қасос фарз бўлиши шартлари тўла топилмаса, иккинчисида эса топилса, шартлар тўла топилганидан қасос олиш вожиб бўлади. Чунки, у қасддан

ўлдиришда шерик бўлди. Унинг шеригидан эса қасоснинг сабабида бўлган қусур учун эмас, унинг ўзида бўлган монеълик учун қасос олиш мумкин бўлмади. Қасос унда монеъ бўлмаган одамдан фарз бўлади. Бир киши бир одамни ушлаб турган ва бошқаси уни ўлдирган бўлса, қотилни ўлдирилади, ушлаб турганни эса то ўлгунича ҳибсда сақланади.

- Бир кишининг жони хусусида кўпчиликдан қасос олинганидек, тана аъзолари ва жароҳатлар хусусида ҳам қасос олинади. Агар бир жамоат бировнинг бир аъзосини қасосни вожиб қиладиган даражада кесган ё жароҳатлаган бўлса ва ҳар бирининг қилган иши алоҳида ажралиб турмаса, яъни, бир кишининг қўлига тигни қўйиб туриб, ҳаммалари унга оғирликларини ташлаган ва шу билан қўл кесилган бўлса, ҳаммасининг қўли кесилиши фарз бўлади. Чунки, Алий розияллоҳу анҳунинг хузурларида икки киши бир одамнинг ўғрилигига гувоҳлик берганида унинг қўлини кесдилар. Кейин ҳалигилар бошқа бир одамни олиб келишиб: «Ўғри бу экан, биз ҳалиги одам тўғрисида адашган эканмиз», дейишди. Шунда уларнинг иккинчи одамга берган гувоҳликларини рад қилдилар ва биринчи одамнинг диясини уларга юкладилар, «Агар икковингизнинг қасддан шундай қилганингизни билганимда, қўлларингизни кесган бўлардим», дедилар (Бухорий иловада (1446-б), Дорақутний (3/128, №3361) ривоят қилганлар). Демак,

бу агар иккаласи қасддан қилганида уларга қасос фарз бўлишига далил бўлади. Шунингдек, бунда бир кишини кўпчилик бўлиб ўлдиришга ҳам қиёс қилинади.

- Жиноятнинг жонга (яъни, ўлимга олиб бориши) ё бошқа бир аъзога таъсири ўтиши ҳам ўша жиноят ҳукмини олади. Чунки, у ўшанинг асаридир, зомин бўлинувчи ишнинг асарига ҳам зомин бўлинади. Масалан, битта бармоқни кесган бўлса ва шунинг таъсирида бошқа бармоқ ё қўл захаланиб, чириб кетса ва бўғимдан узилса, қўлдан қасос олиш фарз бўлади. Агар жиноят аста-секин жонга таъсир кўрсатиб, жабрланувчи вафот этса, қасос фарз бўлади.
- Бир аъзо ёки жароҳатнинг қасосини то у тузалиб битмагунча олиш жоиз бўлмайди. Чунки, Жобир розияллоҳу анҳу ривоят қилишича: «Бир кишига жароҳат етказилди. У қасос олмоқчи бўлди... Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам то жароҳатланган киши тузалиб кетмагунча жароҳат етказган кишидан қасос олишдан қайтардилар (Дорақутний (3/71, №3092), Байҳақий (8/67) ривоятлари). Бу эса жабрланган одамнинг фойдаси учундир. Чунки, жиноятнинг асари бошқа бир аъзога ҳам ўтиши, балки жонга ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис жиноятнинг охириги даражаси билинмоғи зарур бўлади. Агар тузалиб кетмасидан туриб қасос олса, кейин жиноятнинг таъсири бошқа

аъзога ҳам ўтса, энди ҳеч нарсага ҳақли бўлмайди. Чунки, шошқалоклик қилиб ўз ҳаққини бекор қилган бўлади. Амр ибн Шуайб отасидан, у бобосидан ривоят қилишича: «Бир киши бир кишининг тиззасига мугуз (хайвон шохи) тиқиб жароҳатлади. У Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб, қасосини олиб беришини сўради. У зот: «Аввал тузалиб олгин», дедилар. Кейин яна келиб: «Қасосимни олиб беринг», деган эди, унинг қасосини олиб бердилар. Кейинроқ ҳалиги киши келиб: «Ё Расулуллоҳ, чўлок бўлиб қолдим», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен сени қайтардим, ўзинг итоат қилмадинг. Энди Аллоҳ сени узок қилди ва чўлоклигинг (қасоси) ботил бўлди», дедилар. Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир жароҳатдан то унинг эгаси тузалиб кетмагунича қасос олинишидан қайтардилар» (Аҳмад (2/217, 7034), Дорақутний (3/71, №3091), Байҳақий (8/67) ривоятлари).

Шу билан ҳам шариатимизнинг юксак даражали экани, тўла адолат ва умумий раҳм-шафқатни ўз ичига олган экани маълум бўлади. Аллоҳ таоло рост айтади: «Парвардигорингизнинг Сўзлари сидқу адолатда комил бўлди. Унинг Сўзларини ўзгартирувчи йўқдир. У эшитувчи, билувчидир» (Анъом: 115).

Ана шундай комил шариатни тоғутнинг ҳукмларига, зулм ва нуқсонга тўла ер қонунларига алмаштираётганлар

қуриб кетсинлар! «У золим кимсалар учун нақадар ёмон бадал (ўринбосар)дир» (Кахф: 50). Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин.

Дияга доир аҳкомлар ҳақидаги боб

- Дия ёки хун пули – жабрланувчига ёки унинг валийсига жиноят сабабли тўланадиган пул-молдир.
- Диянинг вожиблигига Қуръон, Суннат ва ижмоъдан далиллар мавжуд.
- Аллоҳ таоло айтади: «Ким бир мўминни билмай ўлдириб қўйса, у бир мўмин қулни озод қилиши ва маййитнинг эгаларига — агар кечиб юбормасалар — хун тўлаши вожибдир...» (Нисо: 92).
- Саҳиҳ ҳадис борки: «Кимнинг бир яқин кишиси ўлдирилса, у икки ишнинг бирини танлашга: ё дия ё эса қасос олинишига ихтиёрлидир» (Бухорий (2434), Муслим (1355), Абу Довуд (45065), Термизий (1405), Насоий (4785), Ибн Можа (2624) ривоятлари).
- Бир инсонга бевосита талафот етказган, яъни масалан, уни урган ё автоулови билан уриб юборган ҳар қандай одамга, шунингдек, бировнинг ўлимига сабаб бўлган, яъни масалан, йўл устига чоҳ қазиб қўйган ё тош тўкиб қўйган ва бу иши кимнингдир талафотига сабаб бўлган одамга дия тўлаш лозим бўлади, талафот кўрган шахс мусулмон бўладими, зиммийми, омонлик сўраган

одамми ё сулҳдаги одамми, фарқсиз. Аллоҳ таоло айтади: «Агар у сизлар билан сулҳ тузган қавмдан бўлса, унинг эгаларига хун тўлаш... лозим» (Нисо: 92).

- Агар у сабабли жабрланувчи талафот кўрган жиноят очикдан-очик қасдан қилинган бўлса, диянинг ҳаммаси жиноятчининг молида дарҳол (берилиши) фарз бўлади. Чунки, асл-асос талафот етказилганнинг бадали талафот етказувчига бўлишини тақозо қилади.

Ал-Муваффақ Ибн Қудума раҳимаҳуллоҳ айтади: «Аҳли илмлар ижмоъларига кўра, қасдан (қилинган жиноят)нинг дияси қотилнинг молида фарз бўлади, уни оқиланинг зиммасига қўйилмайди. Асл-асос шуни тақозо қилади. Аллоҳ таоло айтади: «Ҳеч бир кўтарувчи (яъни гуноҳкор жон) ўзга жоннинг юкини (яъни гуноҳини) кўтармас» (Анъом: 164)» (Ал-муғний: 12/16).

Фақат билмасдан (қилган жиноят)нинг диясидагина ушбу аслга хилоф қилинади, чунки билмасдан (жиноят содир) қилиш ҳолатлари кўп содир бўлади. Одамийнинг дияси кўп, уни жиноят содир этган кишининг молида вожиб қилиш уни қийнаб қўяди. Шу боис қотилга ёрдам бўлиши ва унинг юкини енгиллатиш важдан уни оқиланинг зиммасига юклашни ҳикмат тақозо этади. Чунки, у маъзурдир. Қасдан жиноят содир қилган киши эса маъзур бўлмайди ва енгиллатишга лойиқ эмас. Чунки, унга қасос фарз бўлган. Агар афв қилинса, жонини қутқариб олиш учун дияни унинг ўзи кўтаради.

- Аммо, қасданга ўхшаш (шибҳул амд) ва билмасдан

(хотоан) қилинган қотилликнинг дияси қотилнинг оқиласи (асаба йўли билан унга ворис бўлувчи эркак қариндошлари) зиммасига бўлади. Абу Ҳурайра розияллоху анху ривоят қилган ҳадисда келганки: «Ҳузайллик икки аёл урушиб қолиб, бири иккинчисига тош отиб, уни қорнидаги боласи билан қўшиб ўлдириб қўйди... Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам аёлнинг хун пулини унинг (яъни, ўлдириб қўйган аёлнинг) оқиласи (эркак қариндошлари) зиммасига ҳукм қилдилар» (Бухорий (6910), Муслим (1681) ривоятлари). Демак, ҳадис қасдданга ўхшаш ўлдиришнинг диясини қотилнинг оқиласи кўтаришига далил бўлади.

Билмасдан ўлдиришнинг диясига келсак, Ибнул Мунзир раҳимахуллоҳ айтади: «Биз билган барча аҳли илмлар уни оқиланинг зиммасига бўлишига ижмоъ қилганлар» (Китабул-ижмаъ: 172-б). Ал-Муваффақ раҳимахуллоҳ айтади: «Унинг оқила зиммасига бўлиши ҳақида хилоф борлигини билмаймиз» (Ал-муғний: 12/16). Билмасдан ўлдириб қўйиш ўрнига ўтадиган ўлдириш дияси ҳам шунга ўхшашдир, ухлаётган одам бировнинг устига юмалаб кетиб, уни ўлдириб қўйиши, қудуқ қазиб қўйиш ва унга биров тушиб кетиб ҳалок бўлиши каби.

- Шаръан изн берилган иш ортидан келадиган талафотга ҳам зомин бўлинмайди. Масалан, бир одам боласига ё хотинига адаб берса ёки султон ўз раиятидан биронтасига адаб берса ва улардан ҳеч бири адаб

беришда ҳаддидан ошмаган бўлса, шунда адаб берилган киши вафот этса, адаб берувчига ҳеч нарса фарз бўлмайди. Чунки, у шаръан қилиши мумкин бўлган ишни қилди ва унда ҳаддан тажовуз қилмади. Агар адаб беришда ҳаддан ошса ва одатда қилиниши керак бўлган даражадан ошириб юборса, натижада адаб берилган шахс талафот кўрса, адаб берувчи унга зомин бўлади.

- Агар ҳомиладор аёлга адаб берса-ю, шу сабабли унинг ҳомиласи тушиб кетса, адаб берувчи ҳомиланинг зоминлигини бўйнига олиши ва бир қул ё чўри озод қилиши фарз бўлади. Чунки, «Саҳиҳайн»да келганки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (қорнига урилиб) ҳомиласи тушган аёл ҳақида бир қул ё чўри (ни дия сифатида бериш)га ҳукм қилганлар (Бухорий (7317), Муслим (1689) Муғийра ибн Шуъба розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар). Бу аксарият аҳли илмнинг сўзидир.
- Кимда-ким ҳомиладорни кўрқитиб юборган ва шу сабабли унинг ҳомиласи тушиб кетган бўлса, яъни масалан, уни султон талаб қилса ёки бир киши унга миршаблар билан бостириб кирса, ҳомиланинг зоминлиги ўша аёлни кўрқитиб юборган одам зиммасига бўлади. Чунки, ҳомиланинг ҳалок бўлишига у сабаб бўлди. Умар розияллоҳу анҳу ҳақида ривоят қилинишича, у киши эри ғойиб (яъни сафарда) бўлган ва олдида (бировлар) кириб турилган бир аёлга одам

юбордилар. Аёл: «Вой шўрим курсин! Менда Умарнинг нима иши бўлиши мумкин?!», деди. Сўнг йўлда келаётганида кўрққанидан тўлғоқ тутиб, бола ташлаб қўйди, боласи икки марта чинқириб йиғлаб, сўнг вафот этди. Умар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг асҳобларига маслаҳат солдилар. Баъзилари: «Сизга ҳеч нарса лозим эмас», дейишди. Алий розияллоҳу анҳу: «Агар улар сизнинг хоҳиш-ҳавонгизга қараб гапиришган бўлса, сизга холислик қилишмабди. Унинг дияси сизнинг зиммангизга бўлади, чунки сиз у аёлни кўрқитиб юборгансиз ва у бола ташлаб қўйган», дедилар (Абдурраззоқ (9/459, №18010) ривояти).

- Бир киши бир шахсни қудуққа тушишга ёки дарахт ва шу каби бирон нарсага чиқишга буюрган бўлса, у шундай қилса ва чиқиш ё тушишда ҳалок бўлса, буюрган одам зомин бўлмайди. Чунки, у жинойт қилмади ва бунда унга тажовуз қилмади.

Агар буюрилган шахс мукаллаф (оқил ва болиғ) бўлмаса, буюрувчи зомин бўлади, чунки унинг талафот кўришига сабаб бўлди.

Агар бирон шахсни қудуққа тушиш ёки дарахтга чиқиш учун ижарага олган бўлса ва у шу сабабли вафот этса, ижарага олган киши унга зомин бўлмайди. Чунки, у жинойт қилмади ва тажовуз қилмади.

- Бир киши бировни унинг ҳовлисида қудуқ қазиб бериш учун чақирса, у ўпирилган тупроқ остида қолиб ўлса,

тупроқни унинг устига биров ташлаб юбормаган бўлса, унга зомин бўлмайди. Чунки, унга тажовуз қилмади.

Юқорида айтиб ўтилганлардан Исломнинг жонларни сақлашга ва бегуноҳ қонларни тўкилишдан асраб қолишга жиддий аҳамият берганини кўриш мумкин.

Лекин, ҳозирги замонга келиб, хусусан автомашиналарни бошқаришда қонун-қоидаларга амал қилмайдиган ёш-ялангларнинг бу масъулиятга бепарво қарашлари одатий ҳолга айланиб қолди. Улар ўз жонларини ҳам, ўзгаларнинг жонларини ҳам хатарга солмоқдалар. Қанчадан-қанча беайб одамлар шу сабаб ҳаётдан кўз юмиб кетмоқдалар. Бутун бошли жамоалар ёки оилалар масъулиятни ҳис қилмайдиган ва оқибатни ўйламайдиган бир ғўр ва енгилтак кимсанинг айби билан жувонмарг бўлиб кетмоқда. Кўпинча бунга ўша ғўр болаларнинг оталари сабабчи бўлиб қолмоқдалар, болаларига тезюрар автомобиллар олиб бериб, шу билан бегуноҳ жонларни ҳалокатга дучор қилмоқдалар. Бу қилмишлари билан улар болалари қўлига одамлар тинчлигига путур етказадиган ва уларнинг ҳаётлари билан ўйнашадиган даҳшатли қуролни тутқазиб қўймоқдалар.

Ундай кишилар фарзандлари хусусида ҳам, мусулмонларнинг бегуноҳ қонлари хусусида ҳам Аллоҳдан қўрқишлари лозим. Барчанинг тинч-омонлигига кафил бўладиган тартиб-қоидаларга амал қилишга ҳаммани бирдек мажбур қилиш ҳокимлар зиммасидаги вазифалардан саналади. Зеро, Аллоҳ таоло Қуръон билан тиймаган баъзи

нарсаларни султон билан тийиб кўяди.

Дияларнинг миқдори ҳақидаги боб

- Жонга белгиланган дияларнинг миқдори мусулмонлик, озодлик, эркаклик ва аёллик эътибори билан ҳамда ўлдирилган шахснинг аниқ-тиниқ мавжуд ёки қориндаги ҳомила экани эътибори билан тафовутли бўлади.
- Улар ичида энг кўпи озод мусулмон кишининг дияси миқдори бўлиб, минг мисқол тилла ёки ўн икки минг исломий дирҳам – ҳар ўн дирҳами етти мисқолга тенг – ёки юзта туя ёки икки юзта қорамол ёки икки мингта қўйга тенгдир. Чунки, Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам туяга эга бўлганларга юз туяни, қорамол эгаларига икки юзта молни, қўй эгаларига икки мингта қўйни дия қилиб белгиладилар» (Абу Довуд (4543) ривояти).

Икрима Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилишича: «Бир киши ўлдирилганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг диясини ўн икки минг дирҳам қилиб белгиладилар» (Абу Довуд (4546), Термизий (1388), Насойй (4803), Ибн Можа (2629) ривоятлари). Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Амр ибн Ҳазмга ёзиб берган мактубларида айтилишча: «Тилла

эгаларига минг динар» (Насой (4853) ва бошқалар ривояти).

- Аҳли илмлар мана шу айтилганлар диянинг асл-асосларими ва агар зиммасига дия лозим бўлган киши – ўзи юқорида айтилган турдаги кишилардан бўлмаса ҳам – шулардан қай бирини берса ҳам валий уни қабул қилиши лозимми ёки йўқми, чунки, у ўзига аслида фарз бўлган нарсани берган бўлди, деган масалада ихтилоф қилганлар. Аҳли илмлардан бир жамоаси бунинг жоизлигини айтганлар.

Иккинчи қавлга кўра, диядаги асл-асос фақат туялардир. Бу жумхур уламнинг сўзидир. Чунки, Расулulloх соллalloху алайҳи ва саллам: «Мўмин жонда юзта туя (дия берилади)», деганлар (Молик «Муваатто»да (2/849, №1547), Байҳақий (8/100) Амр ибн Ҳазм розияллоху анхудан ривоят қилганлар), «Огоҳ бўлинглар, қасдданга ўхшаш билмасдан ўлдириб қўйишда юз туя (дия) бордир», деганлар (Абу Довуд (4547), Насой (4795), Ибн Можа (2627), Аҳмад (2/164, №6533) ривоятлари).

Абу Довуд ривоят қилишича, Умар розияллоху анху хутба қилиб, айтдилар: «Огоҳ бўлингиз, туя қимматлаб кетди, Умар уни (дияни) тилла эгаларига минг динар қилиб, кумуш эгаларига ўн икки минг қилиб, қорамол эгаларига икки юзта сигир қилиб, қўй эгаларига икки мингта қўй қилиб, хулла (қимматбаҳо кийим тури) эгаларига икки юзта хулла қилиб белгилади» («Сунан Аби Довуд» (4542), Амр ибн Шуайб отасидан у бобосидан ривоят қилган). Чунки,

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қасддан ўлдиришнинг диясини туяларда муғаллаз (оғирлатилган) қилганлар, билмасдан ўлдириб қўйиш диясини муҳаффаф (енгиллатилган) қилганлар, аҳли илмлар шунга ижмоъ қилганлар, асл шудир.

Рожих (қувватлироқ) сўз шудир. Шунга кўра, мазкур турдаги дияларнинг туядан бошқаларини қийматлаш жиҳатидан туяга қараб эътибор қилинади.

- Қасддан ўлдириш ва қасдданга ўхшаш ўлдиришнинг дияси муғаллаз қилинади. Яъни, юзта туяни тўрт қисмга ажратилади: йигирма бештаси бинт махоз, йигирма бештаси бинт лабун, йигирма бештаси ҳикқа, йигирма бештаси жазаъа бўлади. Чунки, Зухрий Соиб ибн Язиддан ривоят қилишича: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам замонларида дия тўрт қисм бўларди: йигирма бешта жазаъа, йигирма бешта ҳикқа, йигирма бешта бинт лабун, йигирма бешта бинт махоз». Мана шу кўринишда келган туяларни мақтулнинг валийси қабул қилиши лозим бўлади. Агар истаса, мазкур турлар бўйича, ҳар бир даврнинг баҳосига қараб, баҳосини берса ҳам бўлади.
- Билмасдан ўлдириб қўйишнинг дияси муҳаффаф бўлади. Яъни, юзта туяни беш қисмга ажратилади: йигирмата бинт махоз, йигирмата бинт лабун, йигирмата ҳикқа, йигирмата жазаъа, йигирмата бану махоз. Ушбу турлар ё уларнинг қиймати ҳар асрнинг ўз баҳосига қараб берилади.

Бинт махоз – бир ёшни тўлдирган урғочи туя, бинт лабун – икки ёшни тўлдирган урғочи туя, ҳикқа – уч ёшни тўлдирган урғочи туя, жазаъа – тўрт ёшни тўлдирган урғочи туядир.

- Аҳли китоб бўлган озод кишининг дияси, у хоҳ зиммий бўлсин, хоҳ омонлик берилган ё сулҳ остидаги киши бўлсин, мусулмон киши диясининг ярмидир. Амр ибн Шуайб отасидан, у бобосидан ривоят қилган ҳадисда айтилишича: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам аҳли китобларнинг дияси мусулмонлар диясининг ярми деб ҳукм қилдилар» (Аҳмад (2/183, №6716), Насоий (4806), Ибн Можа (2644) ривоятлари).
- Зиммий ё сулҳ остидаги ё омонлик берилган мажусийнинг дияси, шунингдек сулҳ остидаги ё омонлик берилган бутпарастнинг дияси саккиз юз исломий дирҳамдир. Чунки, Ибн Адий Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан марфуъан ривоят қилган ҳадисда: «Мажусийнинг дияси саккиз юз дирҳамдир», дейилади (Ал-камил: 4/207). Аксарият аҳли илмнинг сўзи шудир.
- Аҳли китоб, мажуслар ва бутпарастларнинг аёллари дияси эркаклари диясининг ярмидир. Мусулмон аёллар дияси мусулмон эркаклар диясининг ярми бўлгани каби.

Ибнул Мунзир раҳимаҳуллоҳ айтади: «Аҳли илмлар аёл кишининг дияси эркак киши диясининг ярми бўлишига ижмоъ қилганлар» (Ал-ижмоъ: 116-б). Амр ибн Ҳазмга ёзиб берилган мактубда: «Аёл кишининг дияси эркак киши

диясининг ярмидир», дейилади (Байхақий (8/95) Муоз ибн Жабал розияллоху анхудан ривоят қилган).

Аллома Ибнул Қаййим раҳимахуллох айтади: «Аёл киши эркак кишидан кўра ноқисроқ, эркак кишининг фойдаси нисбатан кўпроқ бўлгани ва у аёл киши ўринлата олмайдиган диний мансаб ва валийликларга эга бўлгани, шунингдек, чегараларни кўриқлаш, жиҳод қилиш, ерни обод қилиш ва саноат ишларини юргизиш каби оламнинг манфаатлари у билан мукаммал бўладиган ишларни қилгани, дунёни ва динни ҳимоя қилгани боис аёл кишининг қиймати дияда у билан баробар бўлмади. Бинобарин, ўрталаридаги тафовутларга кўра, шориънинг ҳикмати унинг қиймати эркак қийматининг ярми бўлишини тақозо қилди» (Иъламул-муваққиъийн: 2/149).

- Диянинг учдан биридан камроғини вожиб қиладиган нарсаларда эркак ва аёл баробар бўлади. Чунки, Амр ибн Шуъайб отасидан, у бобосидан ривоят қилган марфуъ ҳадисга кўра: «Аёлнинг дияси то диясининг учдан бирига етгунча эркакнинг дияси билан бир хилдир» (Насоий (4805) ривояти). Саид ибн Мусаййиб раҳимахуллох: «Суннат шудир», деганлар.

Имом Ибнул Қаййим айтади: «Гарчи Абу Ҳанифа, Шофеий, Лайс, Саврий ва бир жамоа хилоф қилган бўлсалар ва: «Аёлнинг дияси озида ҳам, кўпида ҳам яримдир» деган бўлсалар ҳам, лекин суннат авлодир. Учдан бирдан пасти ва ундан юқорисидаги фарқ шуки, ундан пасти камдир, унда аёл киши эркак билан баробар бўлиш

билан мусибати бутланади. Шу боис ўғил ва қиз ҳомиланинг дияси баробар бўлди, чунки у камдир, яъни бир қулдир» (Иъламул-муваққиъийн: 2/148).

- Қулнинг дияси унинг қийматидир, эркак бўлсин, аёл бўлсин, катта бўлсин, кичик бўлсин, қанчага етса ҳам. Бу агар унинг қиймати озод кишининг диясидан паст бўлганда ижмоъ қилинган ишдир. Аммо, агар унинг қиймати озод кишининг диясига етса ё ундан ўтиб кетса, Аҳмад – ундан машҳур бўлган қавлга кўра – ва Молик, Шофеий, Абу Юсуфлар унинг қиймати қанчага етса, дияси шунча, деганлар.
- Ҳомила – ўғил бўлсин, қиз бўлсин – агар онасига қасддан ёки билмасдан қилинган жиноят сабабли ўлик тушган бўлса, унинг дияси бир қул ё чўри бўлиб, қиймати беш туяга тенгдир. Чунки, Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Бану Лаҳёнлик аёлнинг ўлик тушган ҳомиласи ҳақида бир қул ё чўри (ни дия сифатида бериш)га ҳукм қилдилар» (Бухорий (6740), Муслим (1681) ривояти).

Ўша қул ё чўрини худди ҳомила тирик туғилганида бўлганидек, ундан мерос олинади. Чунки, у унинг диясидир. Қул ё чўрининг қиймати беш туяга тенг, яъни она диясининг ўндан бирига тенг деб белгиланади. (Уларнинг қиймати бундан кам бўлмаслиги керак.)

Тана аъзолари ва уларнинг фойдалари дияси хақидаги боб

- **Биринчи: тана аъзолари дияси:**
- Баъзи уламолар айтганлар: Одамда қирқ бешта аъзо бор бўлиб, улар ичида битталиқ аъзолар бор, иккиталиқ ва ундан кўпроқ бўлган аъзолар бор.
- Агар инсоннинг бурун, тил, жинсий олат каби битталиқ аъзосига талафот етказилса, унинг дияси ўша аъзоси кесилган инсоннинг тўла диясидир – юқорида ўтган тафсилотлар бўйича – эркак бўладими, аёлми, озод бўладими, қулми, зиммий бўладими, бошқами, фарқсиз. Чунки, Аллоҳ таоло бир инсонда фақат биттагина қилиб яратган ўша аъзонинг йўқолишида у келтирадиган фойданинг йўқ бўлиши ҳосил бўлади, бу эса жоннинг кетишига ўхшаган бўлади ва унда жоннинг дияси фарз бўлади. Бунга иттифоқ қилинган. Амр ибн Ҳазм розияллоҳу анҳу ҳадисида келишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жинсий олатда (тўла) дия бор, бурунда агар тўлалигича кесилган бўлса (тўла) дия бор, тилда (тўла) дия бор» (Насойй (4853), Ибн Ҳиббон (14/501, №6559), Ҳоким (1/553), Байхақий (4/89) ривоят қилиб, саҳиҳ санаганлар).
- Кўз, қулоқ, лаб, жағ, аёл кишининг сийнаси, эркак кишининг кўкраги, қўл, оёқ, мойк каби иккиталиқ аъзоларнинг иккаласига талафот етказилганда тўла

дия, биттасига талафот етказилганда эса ярим дия фарз бўлади. Чунки, уларнинг иккаласида ҳам манфаат ва жамол бор ҳамда баданда бошқа уларнинг жинсидан бўлган аъзо йўқ.

Ал-Муваффақ раҳимахуллоҳ айтади: «Бунда муҳолиф бўлган бирон кишини билмаймиз» (Ал-муғний: 8/340).

Амр ибн Ҳазмнинг мактубида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга шундай деб ёзиб бергандилар: «Бурунда агар тўла кесилган бўлса (тўла) дия, тилда (тўла) дия, икки лабда (тўла) дия, икки мойкда (тўла) дия, пуштикамарда (тўла) дия, икки кўзда (тўла) дия, битта оёқда ярим дия».

Ибн Абдилбар раҳимахуллоҳ айтади: «Амр ибн Ҳазмнинг мактуби уламолар ҳузурида маъруфдир, унда айтилганларнинг аксарияти муттафақун алайҳдир» (Ат-тамҳид: 17/339).

- Инсоннинг учталиқ аъзоларининг ҳар учаласига талафот етказилганда тўла дия, биттасига талафот етса диянинг учдан бири фарз бўлади. Масалан, бурун учта нарсани – икки тешиқ ва ўрталиқ деворини ўз ичига олади, дияни уларга худди бармоқларга тақсимланганидек тақсимланади.
- Инсоннинг тўртталиқ аъзосидан агар тўртталаси ҳам талафот кўрса, тўла дия фарз бўлади. Биттасига талафот етказилса, диянинг тўртдан бири фарз бўлади. Масалан, инсоннинг тўртта қовоғи бор бўлиб, уларнинг ҳар бирида зоҳирий чирой ва тўқис манфаат

бор. Яъни, улар кўзни ўраб, уни иссиқ ва совуқдан асраб туради. Ҳаммасида тўла дия, баъзисида эса маълум миқдорда дия фарз бўлади.

- Икки қўлнинг бармоқларида, шунингдек икки оёқнинг бармоқларида агар ҳаммаси кесиб ташланса, тўла дия фарз бўлади. Ҳар бир бармоқда диянинг ўндан бири фарз бўлади. Чунки, Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган марфуъ ҳадис борки: «Икки қўл ва икки оёқ бармоқларининг дияси баробардир, ҳар бир бармоққа ўнта туя» (Термизий (1391) ривоят қилиб, саҳиҳ деган). Имом Бухорийда ҳам Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан марфуъан ривоят қилинган ҳадис борки: «Бу ва бу – яъни, бош бармоқ ва чимчалок – баробардир» (Саҳиҳул Бухорий: 6895). Мазкур икки ҳадис икки қўл ва икки оёқ бармоқларида дия фарз бўлишига ва ҳар бир бармоқ учун тўла диянинг ўндан бир қисми бўлишига далил бўлади.
- Икки қўл ва икки оёқ бармоқларидан ҳар бармоқ учидан тўла диянинг ўндан бирининг учдан бири миқдорида (яъни, тахминан 3,33%) дия фарз бўлади. Чунки, ҳар бир бармоқда учтадан бўғим бўлади, бир бармоқнинг дияси учала бўғимга тақсим қилинади. Бош бармоқда эса иккита бўғим бор, улардан ҳар бир бўғимга диянинг ўндан бирининг ярми (5%) берилади.
- Ҳар бир тишда тўла диянинг йигирмадан бири – бешта туя фарз бўлади. Амр ибн Ҳазмнинг марфуъ ҳадисига кўраки: «Тишда бешта туя (дия берилади)» (Насоий

ривояти).

Ал-Муваффақ раҳимаҳуллоҳ айтади: «Тишларнинг диясида ҳар бир тишга бешта туя бўлишида хилоф борлигини билмаймиз» (Ал-муғний: 12/130).

● **Иккинчи: манфаатларнинг дияси:**

- Манфаатлардан мурод – мазкур аъзоларнинг кўриш, эшитиш, ҳидлаш, сўзлаш, юриш каби инсонга етказадиган манфаатларидир, ҳар бир аъзонинг ўзига хос манфаатлари бор.
- Жумладан: тўртта сезги – эшитиш, кўриш, ҳид билиш, таъм билиш. Ушбу сезгиларнинг ҳар бирида агар у жинойт сабабли кетса, тўла дия лозим бўлади.

Ибнул Мунзир раҳимаҳуллоҳ айтади: «Аҳли илмлар оммаси эшитиш(га талафот етказиш)да дия бўлишига ижмоъ қилганлар» (Ал-ижмоъ: 168-б).

Ал-Муваффақ раҳимаҳуллоҳ айтади: «Эшитишнинг йўқолишида дия фарз бўлишида хилоф йўқдир» (Ал-муғний: 12/115).

Амр ибн Ҳазм мактубида борки: «Ҳид билиш аъзоларида (тўла) дия бор» (Насоий (4853), Ибн Ҳиббон (14/501, №6559), Ҳоким (1/553), Байҳақий (4/89) ривоят қилиб, саҳиҳ санаганлар).

Бир киши бировни уриши натижасида унинг эшитиши, кўриши, никоҳи (жинсий алоқаси), ақли кетганида Умар розияллоҳу анҳу у одам тирик бўлгани ҳолда тўртта тўла дияга ҳукм қилганлар, саҳобалар ичида у кишига муҳолиф

бўлмаган.

- Сўзлаш, ақл (фикрлаш), юриш, ейиш, никоҳ (жинсий алоқа) йўқолиши, сийдик ва нажосат тута олмай қолиш кабиларнинг ҳар бирида тўла дия бордир. Чунки, буларнинг ҳар бирида катта манфаат бор эди.
- Тўрт турли соч-туқларнинг ҳар бир турида, яъни, бошнинг сочи, соқолнинг туки, қошларнинг туки, кўзларнинг киприкларида тўла дия фарз бўлади. Битта қошда яримта дия, битта киприкда диянинг тўртдан биридир. Чунки, дия улар сонига қараб бўлинади.

Шундан ҳам соқолнинг Исломдаги ҳурмати ва қийматини билиш мумкинки, унга талафот етказишда тўла дия фарз бўлди. Бу эса унинг манфаати улуғлиги, чиройи ва виқори борлиги учундир. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни тўла қўйишга ва икром қилишга буюрганлар, кириш, қисқартириш ва унга тажовуз қилишдан қайтарганлар. Соқолга қарши курашадиган, уни олиш билан, аёлларга ўхшаб ва кофиру мунофиқлар каби юзларидан йўқотиш билан унга тажовуз қиладиган кимсалар қуриб кетсин! Ундайлар эсларини йиғиб олишлари, ақлларини ҳукмрон қилишлари, ўз пайғамбарларига (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) итоат қилиб, Аллоҳ таоло уларга чирой ва эркакликларига белги қилиб яратиб қўйган соқолларини тўла қўйиб юришлари лозим бўлади.

Шижож (бош ва юзнинг ёрилиши) ҳамда суякларнинг синдирилишига доир аҳкомлар ҳақидаги боб

- Шижож – шажжа сўзининг кўплиги бўлиб, бош ва юзнинг ёрилишидаги жароҳатга айтилади. Бош ва юздан бошқа жойнинг кесилиши шажжа дейилмайди, журҳ дейилади.
- Шажжа араблардан нақл қилинган номланиши эътибори билан ўн қисмга бўлинади, ҳар бир қисмнинг ўзига хос номи ва ўзига хос ҳукми бордир.
 1. Ҳориса "الحارصة" – терини бироз ёриб қўйган, лекин қон оқизмаган жароҳат. Терини шилиб қўйгани учун уни қошира (шилувчи) деб ҳам номланади.
 2. Бозила "البازلة" – озроқ қон оқизган жароҳат. Кўздан ёш оқишига ташбеҳ қилиб домиъа (ёшланувчи) деб ҳам аталади.
 3. Бодиъа "الباضعة" – этни бўлиб қўйган, яъни теридан ўтиб, этни ёрган жароҳат.
 4. Муталоҳима "المتلاحمة" – этга чуқур кирган жароҳат.
 5. Симҳоқ "السمحاق" – этдан ўтиб кетган ва суяк билан унинг орасида фақат «симҳоқ» деб номланувчи юпқа парда қолган жароҳат. Ушбу жароҳатни шу парда номи билан номланган.

Шижожнинг мазкур беш тури диясида шориъ томонидан белгилаб қўйилган миқдор йўқ, балки уни ҳукумат (қози ёки ҳакам қилинган одам) белгилайди ва ҳоким уни белгилашда ижтиҳод қилади.

6. Мувзиҳа "المَوْضِحَة" – суяк кўриниб қолган жароҳат. Унинг дияси бешта туядир. Амр ибн Хазмнинг мактуби ҳақидаги ҳадисда айтилганидек: «Мувзиҳада бешта туя (дия бор)».

7. Ҳошима "الهاشمة" – суякни очиб қўйган ва синдирган жароҳат. Бунда ўнта туя фарз бўлади. Бу Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган (Байҳақий (8/82), Абдурраззоқ (9/307, №17321) ривоятлари). Ўз асрида унга биронта саҳобанинг муҳолиф бўлгани маълум эмас.

8. Мунаққила "المُنْقَلَة" – суяк очилиб, синган ва суяклар ўз ўрнидан кўчган, уни тузатиш учун суякларни қайта жамлаш зарурати бўлган жароҳат. Бунда ўн бешта туя фарз бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Амр ибн Ҳазмга ёзиб берган мактуб ҳақидаги ҳадисда айтилишича: «Мунаққилада ўн бешта туя (дия бор)».

9. Маъмуна "المأمونة" – миянинг қобиғига етиб борган жароҳат.

10. Домиға "الدامغة" – мазкур қобикни йиртиб юборган жароҳат.

Ушбу икки жароҳатнинг ҳар бирида, яъни маъмуна ва домиғада диянинг учдан бири фарз бўлади. Амр ибн Хазмнинг ҳадисида келганидек: «Маъмунада учдан бир дия». Домиға ундан чуқурроқ жароҳат бўлгани учун у ҳам шунча дияга лойиқроқдир. Аксарият ҳолларда бу жароҳат эгаси саломат қолмайди (яъни яшаб кетмайди), шунинг учун ҳам у ҳақда маълум миқдор келмаган.

Жоифа жароҳатида учдан бир миқдор дия фарз бўлади.

Амр ибн Ҳазмнинг ҳадисида келганидек: «Жоифада учдан бир дия».

Имом Ал-Муваффақ раҳимаҳуллоҳ айтади: «Бу аҳли илм оммасининг, жумладан аҳли Мадина, аҳли Кўфа, аҳли ҳадис ва асҳоби раъй сўзидир» (Ал-муғний: 12/166).

Жоифадан мурод – қориннинг, белнинг, кўкракнинг, томоқнинг ва қовуқнинг ичигача кириб борган жароҳатдир.

- Суякни синдирилганда қуйидагича дия фарз бўлади:
- Қовурғада – агар синганидан сўнг тузалиб, аввалги ҳолига қайтса – битта туя фарз бўлади, икки ўмров суягининг ҳар бирида битта туя фарз бўлади. Чунки, Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, у киши: «Қовурғада битта туя, ўмровда битта туя», деганлар (Ибн Аби Шайба (№27135, 26955) ва Абдурраззоқ (№17607, 17578) ривоятлари). Ўмров деб бўйин атрофини томоқдан елкагача ўраб олган суяк бўлиб, ҳар бир инсонда иккита ўмров бўлади.
- Агар қовурға ёки ўмров тўғриланмасдан битиб кетса, унда ҳукумат фарз бўлади.
- Елка суяги билан тирсак суягини бириктириб турувчи суяк синдирилганда агар тўғри битиб кетса, иккита туя фарз бўлади. Сон, болдир, тирсак суяклари синишида ҳам иккита туя фарз бўлади. Чунки, Амр ибн Шуайбдан ривоят қилинишича, Амр ибн Ос розияллоҳу анху Умар розияллоҳу анхуга икки тирсакдан бири синиши ҳақида мактуб йўллаганида Умар розияллоҳу анху: «Унда иккита туя фарз бўлади, агар иккита

тирсак синса, тўртта туя» деб ёзиб юборганлар. Саҳобалар ичида бунга мухолиф бўлганлари маълум бўлмаган.

- Бу айтиб ўтилганлар дияларининг аниқ миқдори келган жароҳат ва синиқлар борасида эди. Энди булардан бошқа жароҳатлар ва синиқларда, масалан, умуртқа, тос суякларда ҳукумат фарз бўлади.

Ҳукуматнинг бу ердаги маъноси – жабрланувчи шахсни гўё тўрт мучаси соппа-соғ қул деб баҳосини чиқарилади-да, кейин уни тузалиб кетгандаги ҳолатини баҳоланади. Нархдаги тафовутнинг нисбати жабрланувчининг дияси қилиб белгиланади.

Масалан, агар унинг баҳоси соппа-соғ қул ҳолида олтмиш бўлса, жароҳат олганидан кейинги баҳоси элликка тушиб қолса, демак, бунда тўла диянинг олтидан бири фарз бўлади. Чунки, ўртадаги тафовут олтидан бирни ташкил қилди, яъни қулнинг баҳосининг олтидан бирига тўғри келди. Демак, жабрланувчига тўла диянинг олтидан бирини бериш фарз бўлади.

Ал-Муваффақ раҳимахуллоҳ айтади: «Саҳиҳ гап шуки, бешта нарсадан: қовурғалар, икки ўмров ва тирсакдан бошқасида (диянинг) аниқ ўлчови йўқдир. Чунки, ўлчов белгиланиши тавқиф (яъни, шориъ томонидан келган далилга боғланиш) билан собит бўлади. Далилнинг тақозоси эса ушбу (бешта суякдан бошқа) ички суякларнинг ҳаммасида ҳукумат фарз бўлишидир. Биз мазкур (бешта) суякларда ҳазрат Умарнинг ҳукмлари борлиги учунгина

хилоф қилдик» (Ал-муғний: 12/166).

Фуқаҳолар раҳимаҳумуллоҳ сўзларига кўра, агар унда ҳукуматни ўлчов қилинадиган жароҳат шариатда аниқ ўлчови бор бўлган ўринда бўлса, яъни масалан, мувзиҳага етиб бормаган шажжа бўлса, бу ўз ҳукумати билан мувзиҳанинг диясигача етиб қолиши жоиз бўлмайди. Чунки, жароҳат агар мувзиҳа бўлганида унинг жаримаси бешта туядан ортмас эди, ундан енгилроқ жароҳатда албатта шундан ўтмайди.

- Агар жабрланувчи тузалиб кетиб, аввалгидек ҳолига қайтса ва жинойт унга ҳеч қандай нуқсон етказмаса, у ҳолда ўша жароҳатидан қон оқиб турган ҳолатини баҳоланади. Чунки, у ҳолда унга хавф бор бўлгани ва жинойтнинг таъсири қолиши мумкин деб кўрилгани учун баҳоси камаймасдан иложи йўқ эди.

Одам ўлдиришнинг каффорати ҳақидаги боб

- Каффорат «ўраш» маъносини билдирувчи «куфр» калимасидан олинган, чунки у гуноҳни ўраб, яширади.
- Қатлга каффорат фарз бўлишига Қуръон, Суннат ва ижмоъдан далил мавжуд.
- Аллоҳ таоло айтади: «Мўмин мўминни фақат билмаган ҳолдагина ўлдириб қўйиши мумкин. Ким бир мўминни билмай ўлдириб қўйса, у бир мўмин қулни озод қилиши ва маййитнинг эгаларига — агар кечиб

юбормасалар — хун тўлаши вожибдир. Агар маййит ўзи мўмин бўлиб, сизларга душман қавмдан бўлса, фақат бир мўмин қулни озод қилиши вожиб. Агар у сизлар билан сулҳ тузган қавмдан бўлса, унинг эгаларига хун тўлаш ва бир мўмин қулни озод қилиш лозим. Бас, ким (озод қилиш учун бир қул) топишга қодир бўлмаса, Аллоҳга тавба қилиб муттасил икки ой рўза тутмоғи лозим. Аллоҳ билим ва ҳикмат эгаси бўлган зотдир» (Нисо: 92).

- Абу Довуд ва Насоий ривоят қилишларича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қотил хусусида: «Унинг номидан (қул) озод қилинганлар, Аллоҳ унинг (яъни, озод қилинган қулнинг) ҳар бир аъзоси муқобилида унинг бир аъзосини дўзахдан озод қилади», деганлар.
- Каффорат фақат билмасдан (хотоан) ва қасдданга ўхшаш (шибҳул амд) ўлдиришда фарз бўлади. Аммо, қасддан тажовуз қилиб ўлдиришда каффорат йўқдир. Чунки, Аллоҳ таоло айтади: «Ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннам бўлиб, ўша жойда абадий қолажак. Ва у Аллоҳнинг ғазаби ва лаънатига дучор бўлган, Аллоҳ унинг учун улуғ азобни тайёрлаб қўйгандир» (Нисо: 93). Бунда каффорат зикр қилинмади.

Ривоят қилинишича, Ҳорис ибн Сувайд ибн Сомит бир кишини ўлдирди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга қасосни вожиб қилдилар ва каффоратни вожиб қилмадилар (Байҳақий (8/57) ривояти), Амр ибн Умайя

аз-Зомрий икки кишини қасдан ўлдирганида Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга қасос олиб берганлар ва каффорат вожиб қилмаганлар («Ад-дуррул-мансур»да (3/36) айтилишича, Абу Нуайм «Далоилун-нубувва»да келтирган). Чунки, каффорат билмасдан қилинган жиноятда, унинг гуноҳини ўчириб юбориш учун фарз бўлди. Чунки, бу гуноҳ ҳам тафритдан (яъни бепарволикдан) холи бўлмайди. Демак, у (каффорат) гуноҳи у билан кўтарилиб кетмайдиган даражада катта бўлган ўринда лозим бўлмайди.

Имом Ибнул Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Қасдан ўлдиришда ҳам, ғамус (ёлғон) қасамда ҳам каффорат йўқ, бу Аҳмад, Абу Ҳанифа ва уларга мувофиқ бўлганларнинг фикридир» (Иъламул-муваққиъийн: 2/118).

Муваффақуддин Ибн Қудома ва бошқалар сўзларига кўра, билмасдан ўлдириб қўйиш ҳаромлик ё мубоҳлик билан сифатланмайди, чунки у мажнуннинг ўлдиришидекдир. Аммо, шу сабабли увол кетган жон маъсум ва (ўлдриш) ҳаром қилинган эди. Шунинг учун бунда каффорат фарз бўлди» (Ал-муғний: 8/401).

Яъни, билмасдан ўлдириб қўйишда каффорат маршрут бўлишидаги ҳикмат икки ишга қайтади:

1. Билмасдан қилиш қотилнинг бепарволигидан холи бўлмайди.

2. Шу сабабли увол кетган жоннинг ҳурматига қараш.

- Аммо, қасдан ўлдиришда каффорат фарз бўлмайди.

Чунки, унинг гуноҳи катталиги ва қаттиқлиги учун

каффорат билан ювилмайди. Лекин, қасддан ўлдирган шахс агар Аллоҳ таолога тавба қилса ва ўзидан қасос олинишига имкон берса, бу унинг гуноҳини енгиллатади. Тавба билан Аллоҳнинг ҳаққи ундан соқит бўлади, валийларнинг ҳаққи эса қасос олиш ёки афв қилиш билан соқит бўлади, мақтулнинг ҳаққи қолади ва Аллоҳ уни Ўзи истаган нарса билан рози қилади. Аллома Ибнул Қаййим «Ал-жавабул-кафий» китобида (348-350-б) шу маънони тақрир қилган.

- Ким бир (ўлдириш) ҳаром қилинган жонни ўлдирса, гарчи у қул бўлса ҳам ёки сулҳ остидаги ё омонлик берилган кофир бўлса ҳам, ёки тирик жон бўлса ё ҳомила бўлса, яъни ҳомиладорнинг қорнига уриш сабабли ҳомиласи ўлик тушган бўлса, унга каффорат фарз бўлади. Чунки, Аллоҳ таолонинг қуйидаги оятининг умуми остига киради: «Ким бир мўминни билмай ўлдириб қўйса, у бир мўмин қулни озод қилиши ва маййитнинг эгаларига — агар кечиб юбормасалар — хун тўлаши вожибдир. Агар маййит ўзи мўмин бўлиб, сизларга душман қавмдан бўлса, фақат бир мўмин қулни озод қилиши вожиб. Агар у сизлар билан сулҳ тузган қавмдан бўлса, унинг эгаларига хун тўлаш ва бир мўмин қулни озод қилиш лозим. Бас, ким (озод қилиш учун бир қул) топишга қодир бўлмаса, Аллоҳга тавба қилиб муттасил икки ой рўза тутмоғи лозим. Аллоҳ билим ва ҳикмат эгаси бўлган зотдир» (Нисо: 92).

- Бировни ўлдиришни хоҳ бир ўзи ёлғиз амалга оширган бўлсин, ё бунда бошқа биров билан шерик бўлган бўлсин, хоҳ очиқ-ошкор қатл бўлсин, хоҳ қатлга сабаб бўлиш йўли билан бўлсин, яъни масалан, чоҳ-қудук казиб қўйган ё пичоқни тиккалаб қўйган ва хоказо қилиб ундан ўлим содир бўлган бўлсин, фарқсиздир.

Ал-Муваффақ раҳимаҳуллоҳ айтади: «Шерикларидан ҳар бирдан каффорат лозим бўлади. Бу аксарият аҳли илмнинг, жумладан Молик, Шофийий ва асҳоби раъйнинг сўзидир» (Ал-муғний: 10/39).

- Қотилга – хоҳ у катта бўлсин, хоҳ кичик бўлсин, хоҳ мажнун бўлсин, хоҳ озод бўлсин, хоҳ қул бўлсин – каффорат фарз бўлади. Чунки, оятнинг умуми шуни тақозо қилади.
- Каффорат – бир мўмин қулни озод қилишдир. Агар тополмаса, икки ой кетма-кет рўза тутишдир, бунда (рўза тутиш ўрнига) таом бериш кифоя қилмайди. Агар рўза тутишга қодир бўлмаса, зиммасида каффорат қолаверади ва ўрнига таом бериш ўтмайди. Чунки, Аллоҳ таоло буни зикр қилмади. Каффоратларда ўрин босиш фақат нас (оят ва ҳадисдан бўлган далил) билан бўлади, қиёс билан бўлмайди.
- Қул рўза тутиш билан каффорат тўлайди, чунки унда қул озод қиладиган мол бўлмайди.
- Агар қотил мажнун ё ёш бола бўлса, унинг номидан валийси қул озод қилиб, каффорат беради, чунки улар номидан рўза тутиш имконсиздир. Ҳар иккисига ҳам

каффорат фарз бўлади, чунки у дияга ўхшаб қатлга тааллуқли бўлган молиявий ҳақдир ва яна у закотга ўхшаган молиявий ибодатдир.

- Қатл бир нечта бўлганда дия ҳам бир нечта бўлгани каби қанча бўлса каффорат ҳам ўшанча бўлади. Агар бир неча шахсни ўлдирган бўлса, ўшанча адад каффорат фарз бўлади.
- Агар қатл мубоҳ бўлса, яъни боғий (тажовузкор) ё муртадни, оилали (яъни эрли ё хотинли) зинокорни ўлдириш, шунингдек қасос ё ҳад (шаръий жазо) билан ўлдириш ёки ўз жонини ҳимоя қилиш мақсадида ўлдириб қўйиш каби қатлларда каффорат лозим бўлмайди. Чунки, бунда мақтулнинг ҳурмати бўлмайди.

Эслатма:

- Қатл каффоратини адо қилиш ҳозирги пайтда жуда кўпчилик одамлар бепарво қарайдиган ишлардан бўлиб қолди. Хусусан, кўплаб инсонлар қурбон бўлиб кетаётган йўл-транспорт ҳодисалари ортидан бунга жавобгар шахслар рўза тутишга ялқовлик қилиб, айниқса бундай ҳодиса қайта такрорланиб қолганда зиммаларида каффорат қолиб кетиш ҳоллари кўп учрамоқда.

Ундан ташқари, яна бир ҳолат ҳам борки, қотилнинг оқилалари (яъни, асаба йўли билан унга меросхўр бўлувчи эркак қариндошлари) билмасдан (хотоан) ўлдириб қўйишнинг диясини ўз зиммаларига олишдан бўйин

товлайдиган бўлиб қолишди. Мабодо, бирорталари уни зиммасига олган тақдирда ҳам буни фақат табарруъ (ихтиёрий ёрдам, садақа) сифатида қилинадиган нарса деб гумон қиладиган бўлиб қолди. Шунинг учун билмасдан қатл қилиш содир бўлиб қолган айрим кишилар дияни тўлашга одамлардан ёрдам сўраб юришларига гувоҳ бўлинмоқда. Бу катта бир шаръий ҳукми бекорга чиқариш бўлиб, кўпчиликни бу ҳақда илмсиз қолишига олиб келади. Баъзан мана шу жарима номи билан ҳийла қилиб одамлардан сўраниб юрувчилар ҳам пайдо бўлиб қолган. Ундай кимсаларнинг қўлларидан ушлаб, одамларнинг молини ботил йўл билан ейишдан қаттиқ тийиб қўйиш лозим бўлади.